

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Анварова Бадиа

МАТБУОТДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ
ФАОЛЛИГИНИНГ ЁРИТИЛИШИ
Олий журналистика курслари

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
доц. Мелибоев А.

Тошкент - 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	10
1.1. Хотин-қизлар ижтимоий фаолигини ошириш — давр талаби.....	10
1.2. Республика хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг ОАВларида ёритилиши	15
II БОБ. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИ — МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ	24
2.1. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга доир ҳуқуқий базанинг мустаҳкамланиши	24
2.2. Мустақиллик йиллари матбуотида хотин-қизлар мавзусидаги материалларнинг тематик таҳлили	34
III БОБ. ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВЗУСИНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ	43
3.1. “Хуррият”, “Туркистон”, “Адолат”, “Оила ва жамият”, “Гулчехралар”, “Суғдиёна” газеталардаги хотин-қизлар мавзусига оид материаллар таҳлили	43
3.2. “Саодат”, “Жаннатмакон”, “Водий гавҳари”, “Фуқаролик жамияти”, “Ўзбекистон матбуоти” журналларида хотин-қизлар мавзусини ёритишда маҳорат	55
ХУЛОСА.....	85
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	89

КИРИШ

XXI асрга келиб, дунёнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий қиёфаси тубдан ўзгарди. Шу билан бир қаторда ривожланган мустақил давлатларда демократик тамойиллар чуқурлашган сари, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳам тезлашди. Ахборот оламининг глобаллашуви ва ахборот-коммуникация соҳасининг жадаллик билан ривожланиб, тараққиётнинг олдинги ўринларидан жой олиши мавжуд ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётга ўз таъсирини ўтказмоқда. Бугун ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотларни ОАВларининг кўмагисиз тасаввур этиш қийин.

Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг ушбу фикрларини таъкидлаш ўринли: «Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.»¹

Ахборот асрида дунёда содир бўлаётган ҳар бир ҳодиса, ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ ва камчиликлар ошкор қилинмасдан қолмаслиги оммавий ахборот воситалари зиммасига юкланган муҳим вазифалардан бири бўлиб, ўз навбатида, бу мақсад ва режалар ҳам ахборот воситаларининг кўмагисиз, аҳоли турли қатламларининг, жумладан хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокисиз амалга ошмайди. Ана шу ҳолатлардан келиб чиқиб, магистрлик диссертацияси мавзуси «Матбуотда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги мавзусининг ёритилиши» деб номланди.

¹ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-том.-Т.:Ўзбекистон НМИУ, 2011.-70-б.

Мавзунинг долзарблиги. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мустақилликни қўлга киритгач, бош пировард мақсадимиз сифатида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият барпо этиш йўли танланди ва бу мақсад сари босқичма-босқич қадам қўйилмоқда. Мана 21 йилдирки, мамлакатимиз бу йўлдан оғишмай, олдинга қараб бораётир. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида олиб борилаётган узоқни кўрувчи сиёсат ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқиладиган стратегик дастурларнинг ижроси жамиятда юз бераётган турли ижобий ўзгаришларга асос бўлмоқда.

Бу жараёнда мамлакатимиз хотин-қизлари ҳар қачонгидан ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Оммавий ахборот воситалари эса улар фаолиятидаги янгиликларни, эришаётган ютуқларини тарғиб-ташвиқ қилиш билан ўз имкониятлари даражасида шуғулланмоқдалар. Кўпгина таҳририятлар кейинги йигирма йил ичида бу борада катта тажрибага ҳам эга бўлдилар, деб айтса бўлади. Бироқ, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ёритиш матбуотимиз учун янги йўналиш бўлиб, бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида дейиш, бир мунча қийин. Бунинг, бизнинг назаримизда, бир қатор объектив ва субъектив сабаблари мавжуд.

Мавзунинг долзарблиги бугун жамиятни модернизациялаш, янгилаш ва ислоҳ этиш каби қатор масалаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг ҳуқуқ, бурч ва вазифалари қай даражада муҳим эканлиги билан боғлиқ. Шу сабабли, юртбошимиз оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг олдида катта талаблар қўймоқда, чунки оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг иштирокисиз эркин демократик давлат барпо этишни тасаввур қилиш қийин.

Матбуот давлат ва жамият ўртасидаги асосий восита, бир кўприқдир. Халқ билан ҳокимият ягона мақсад остида бирлашсагина чинакам кучли ва мустақил давлат вужудга келади. Бу икки кучни бирлаштиришда эса, бирламчи омил юқорида айтиб ўтганимиздек, оммавий ахборот воситалари ва журналистлар, уларнинг фаоллиги ва муаммоларни дадил кўтариб чиқиши

хисобланади. «Журналист деганда, халқимиз кўз ўнгида эл-юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади,-деб таъкидлайди Президент Ислон Каримов.— Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида кўрадилар».²

Мутахассисларнинг фикрича, муҳим ахборотга эгалик қилиш ҳукмрон бўлиш демакдир. Муҳим ахборотни муҳим бўлмаган ахборотдан ажрата билиш эса, катта аҳамиятга эга. Мавзумизнинг долзарблиги шундаки, бугун жамиятга турли хил йўналишлардаги ранг-баранг ахборотлар етказиш билан халқнинг огоҳлиги ва хабардорлигини таъминлаш, турли хил ахборот хуружларининг олдини олиш ва, керак бўлса, уларни олдиндан кўра билиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда эса, журналистларнинг фаоллиги ва оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги фавқулодда катта аҳамият касб этади. Шундай экан, журналистлар бу жараёнда қандай вазифа бажаришларини, ўз имконият ва масъулиятлари нималардан иборат эканлигини мукаммал даражада билишлари муҳим. «Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидоий, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратни узлуксиз ошириб боришни тақозо этади».³

Мана шундай ахборий жанг майдонида давлат ва жамиятнинг ҳимоячиси бўлиб турадиган қалқонлар журналистлардир. Ушбу мавзуни илмий жиҳатдан ўрганиш, яъни хотин-қизлар ижтимоий фаолигининг жамият тараққиётига таъсирини тадқиқ қилиш журналистика олдида турган муҳим масалалардан бири мамлакатимизда қандай бажарилаётгани хусусида тегишли хулоса чиқаришга асос бўлиши мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллиги мавзуси матбуот соҳаси тадқиқотчиларининг

² Каримов И.А. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов матбуот ҳақида. -Т.:ТАЙИ, 2005.- 44 -б.

³ Ўша манба.- 45 -б.

эътиборидан четда қолганлигининг сабаби - унинг янгилиги, десак, хато қилмаган бўламиз. Собиқ тузум шароитида бу мавзунини кўтаришнинг имкони деярли йўқ эди. Ижтимоий фаоллик тушунчаси кун тартибига қўйилмаганди. Албатта, бу мавзуда айрим тадқиқотлар ҳам учрайди. Жумладан, Нестеренко Ф.П., Ирназаров Қ.Т., Маматова Ё.М., Тошалиев И., Худойқулов М., Дўстмухамедов Х., Дўстқораев Б., Жўраев Н., Мелибоев А., Саидов Х.⁴ ва бошқа олимларнинг илмий ишларида хотин-қизлар мавзусининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалалари бир мунча шарҳлаб берилган. Аммо алоҳида илмий иш кўзга ташланмайди. Ушбу йўналишдаги илмий изланишимиз давомида мамлакатимизда нашр этилаётган бир қатор газета ва журналлардаги мақолаларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ишнинг илмий янгилиги. ХХІ асрга келиб, дунё бўйлаб ахборий жараёнларнинг янги тўлқини бошланди. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳам ўз манфаатларини кўзлаб, бу жараёндан унумли фойдаланмоқдалар. Мамлакатимизда бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, ОАВ фаолиятига ҳамда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга турли имтиёзлар яратиб беришга доир бир қатор қонунлар қабул қилинди. Бу эса, журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг олдига янгидан-янги талабларни қўймоқда, яъни, турли хил қўйилмаган ахборот хуружлари амалга оширилаётган бир пайтда

⁴ Нестеренко Ф., Ирназаров Қ., Маматова Ё., Тошалиев И. Репортёрлик фаолияти назарияси ва амалиёти. Т.:ЎзМУ. 2002; Дўстмухамедов Х. Журналистнинг шаъни таъмадан устун. //Ўзбекистон матбуоти, 2003, 1-сон; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Дарслик, 1-қисм. -Т.: НМИУ, 2009; Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. -Т.:Тафаккур, 2010; Мелибоев А. Халқаро шарҳ. Ўқув қўлланма.- Т.:ЎзМУ, 2013.-30 б.; Мелибоев А. Публицистикада давр руҳи ва ижтимоий талқин. -Т.:НМИУ, 2011; Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат. Ўқув-қўлланма. – Т.:Тафаккур, 2008; Саидов Х. Матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси. -Т., Маънавият, 2008.

журналистларнинг позицияси ва функцияси қандай бўлиши кераклиги, қайси аудитория билан қандай даражада ишлаш лозимлиги ва, энг муҳими, қандай усул билан халқни, жамиятни ахборот билан таъминлаш каби қатор масалаларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва зарур хулосалар чиқариш ушбу илмий тадқиқотимизнинг янгилигини ташкил этади.

Диссертациянинг мақсади. Илмий ишдан кўзланган мақсад матбуотнинг жамиятда мавжуд турли қатламлар, масалан хотин-қизлар фаолиятини ёритишдаги тажрибасини ўрганиш, бу ишнинг жамият тараққиётига нечоғли таъсирини таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқаришдан иборат.

Диссертациянинг вазифалари. Мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

1. Хотин-қизлар ижтимоий фаолигини ошириш тушунчасини таърифлаш. Илмий адабиётлар воситасида ижтимоий соҳа бўйича олимларнинг илмий қарашларини таҳлил этиш ва таққослаш.
2. Республика хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг ОАВларида ёритилиши ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;
3. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга доир ҳукуқий базанинг мустаҳкамланишига доир материалларни изчил ўрганиш ва таҳлил этиш;
4. Мустақиллик йиллари матбуотида чоп этилган хотин-қизлар мавзуидаги материалларни тематик таҳлил қилиш;
5. Хотин-қизлар мавзусини матбуотда ёритишда журналист маҳорати масаласини ўрганиш ва хулосалар қилиш.

Диссертациянинг объекти республикамізда чоп этилаётган “Ўзбекистон матбуоти”, “Саодат”, “Жаннатмакон”; “Водий гавҳари” ва “Фуқаролик жамияти” журналларида ҳамда “Хуррият”, “Туркистон”, “Адолат”, “Оила ва жамият”, “Гулчеҳралар” ва “Сўғдиёна” газеталарида 2010-2012 йилларда эълон қилинган материаллардан иборат.

Тадқиқот предмети. Оммавий ахборот воситалари олдида турган асосий вазифалар, уларни бажаришда матбуот сўзининг таъсирчанлиги, бу борада журналистлар бажаришлари лозим бўлган муҳим вазифалар, уларнинг қай даражада амалга оширилаётганини илмий тадқиқ қилиш ушбу тадқиқотнинг предмети ташкил этади.

Ишнинг назарий ва методологик базаси. Илмий ишни ёзиш жараёнида Нестеренко Ф.П., Қ.Т.Эрназаров, Ё.М.Маматова, И.Тошалиевнинг “Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти”, М. Худойкуловнинг “Журналистика ва публицистика”, А.Мелибоевнинг “Публицистикада давр руҳи ва ижтимоий талқин”, И.Тошалиев, Р. Абдусатторовнинг “Оммавий ахборотнинг тили ва услуби” номли илмий ва ўқув адабиётлари назарий база вазифаси ўтади.

Ишнинг методологик базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг асарлари, нутқ ва маърузалари, чунончи, «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўзбекистон ХХІ бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарларидан, давлатимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситаларига, мамлакатимиз хотин-қизларига йўллайдиган байрам табрикларидан, Президентимизнинг ОАВ фаолиятига доир Фармон ва қарорларидан ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятига тааллуқли амалдаги қонунлардан фойдаландик.

Илмий ишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур илмий тадқиқот ишидан соҳа мутахассислари, журналистика факультети мураббийлари, бакалаврият талабалари ҳамда магистратура йўналишлари магистрантлари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг турли мақомдаги ташкилотлари мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Тадқиқотнинг **биринчи бобида** хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги жамият ривожининг муҳим омили эканлиги, республика хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг ОАВларида ёритилиши, Президент Ислон Каримовнинг матбуот ва ОАВлари олдига қўяётган вазифалари, ОАВ фаолиятига доир қонунлар талаблари асосида таҳлил этилади.

Иккинчи боб “Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштироки миллий тараққиёт гарови” деб номланади ва унда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга доир ҳуқуқий базанинг мустаҳкамланиши, шунингдек, мустақиллик йиллари матбуотида хотин-қизларга оид материаллар мавзувий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Учинчи бобда хотин-қизлар мавзусини ёритишда журналист маҳорати ва услуби масалалари тадқиқ этилади.

Тадқиқотнинг хулоса қисмида илмий кузатув ва таҳлил натижалари умумлаштирилади ҳамда мавзуга доир тегишли тавсиялар баён қилинди.

I БОБ.**ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ —
ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ****1.1. Хотин-қизлар ижтимоий
фаоллигини ошириш — давр талаби**

2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан “мамлакатда халқнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишга ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида аҳоли фаровонлигини ошириш, илаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли ва мақомини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда аёлларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намоён қилиши ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш”⁵ асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида «Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мақсади ва вазифаларини, уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва чора-тадбирларини аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг ёритилишини; кенг жамоатчиликнинг Давлат дастури бажарилиши тўғрисида доимий хабардор бўлишини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги аниқ ҳиссаси ёритилишини

⁵ «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 8-сон, 99-модда -Т., 2013.// [www. lex.uz](http://www.lex.uz).

таъминласинлар»⁶, деб таъкидланган ва ОАВ олдига масъулиятли вазифалар кўйилган.

Қайсики мамлакатда аёлларга эътибор қилинмас экан, ўша жамиятда тараққиёт ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди. Аёл ҳамиша ҳаётимизнинг ҳар бир бўғинида бизга инсонийлик, меҳр-муҳаббат туйғуларидан сабоқ беради. Хотин-қизлар озчиликни ташкил қиладиган тармоқларда бу камчилик кўзга тез ташланади. Биз жамият ривожини хотин-қизларсиз, уларнинг иштирокисиз тасаввур қилолмаймиз. Адолатли жамиятда аёл ҳуқуқи энг олий, энг муқаддас ҳисобланади. Аёл ҳуқуқи, унинг эркинлиги, тенглиги энг муҳим масалалардан бири саналади.

Ўзбекистонда бу борада жуда катта ислохотлар амалга оширилди. Аёл ҳуқуқлари бўйича қонунчилик базаси шакллантирилди. Хотин-қизлар масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мухтасар айтганда, аёлга эҳтиром кўрсатиш — миллатга, мамлакатга, эртанги кунимизга, келажак авлодимизга эҳтиром кўрсатишнинг бош мезонига айланди.

Шунингдек, Асосий қонунимизда таъминланган тенглик баъзи бир ижтимоий, маиший муаммоларнинг бартараф этилишига, ҳуқуқий-сиёсий маданиятнинг юксалишига имкон туғдирди. Аёллар учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни кучайтириш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди.

2012 йилдаги “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида ҳам шаҳару қишлоқларда неча минглаб аёлларнинг уй шароитида иш билан таъминланишига, уларнинг саломатлигини ҳимоялаш, оилаларнинг фаровонлиги ва мустаҳкамлигини юксалтиришга асос бўлди. Бу жараён ушбу йил ҳам изчил давом этади.

⁶ «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 8-сон, 99-модда -Т., 2013. // [www. lex.uz](http://www.lex.uz).

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Соғлом она — соғлом бола” дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланди. Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Хорижлик бир мутахассис 1998 йилнинг мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг таклифи билан “Оила йили” деб эълон қилинишидан ажабланиб: “Оила — икки кишининг ўзаро ихтиёрий иттифоқи, унинг ички ишларига аралashiш мумкин эмас”, деган экан. Чунки Ғарбда оила биздагидек юксак мартабага эга эмас. Дунёнинг турфа мамлакатларида оила ва никоҳ масалаларига турлича ёндошувлар мавжуд. Жамиятнинг бу кичик ячейкасига инсон ҳаётининг мутлақо шахсий, фақат ўзигагина тегишли бўлган иттифоқ сифатида қаралади. Шунга кўра никоҳ бир неча хил кўринишда тузилиши мумкин. Бунда томонларнинг бўлажак ота-она сифатидаги масъулияти эмас, ҳуқуқ ва мулк муносабатларининг шартномавий ифодаси бирламчи аҳамият касб этади. Шунга кўра, оилавий иттифоқнинг тарқаб кетиши, яъни никоҳнинг бузилиши жуда жўн, худдики, икки кишининг бирмунча вақт апоқ-чапоқ бўлиб юриши-ю, кўнгиллари тусаб қолса, бошқа суҳбатдош томонга бурилиб кетишларидай гап.⁷

Халқимизнинг кўп асрлик орзу-умидларини рўёбга чиқди, эркин, очиқ демократик жамият барпо этиш, янгича дунёқарашга эга бўлган, ҳар томонлама маърифатли баркамол авлодни тарбиялаш, она-бола саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини кўратиш, таълим-тарбия, тиббиёт ва бошқа соҳаларни жиддий ислоҳ қилиш бирламчи вазифага айланди.

Ўзбек аёли ишлаб чиқариш, илф-фан, тадбиркорлик, санъат, спорт, ҳунармандчилик, қўйингки, барча соҳаларда муваффақиятларга эришмоқда, хотин-қизлар давлат ва жамоат ташкилотларида ва муассасаларга раҳбарлик

⁷ Мелибоев А. Маънавий кўприк. //Шарқ юлдузи, 2012. 4-сон.-3-4 бб.

килмоқда. Президентимиз Ўзбекистон хотин-қизларига 8 март байрами билан табрик йўллар экан, «... аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганини давлат ҳокимиятининг барча бўғинидаги вакиллик органларида 1132 нафар хотин-қиз, жумладан, Олий Мажлисимиз таркибида 48 нафар сенатор ва депутатлар фаолият юритаётгани, қарийб 332 минг аёл сиёсий партияларнинг аъзоси сифатида ўз салоҳиятини намоён қилаётгани, фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларида уларнинг фаол иштирок этаётганида кўриш, кузатиш қийин эмас», ⁸ — дея таъкидлади.

1997 йилдан буён 13 нафар аёллар ибратли фаолияти учун давлатимизнинг энг нуфузли “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони, 182 нафар қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган. Аёллар Конституцион суд тизимида 20 фоизни, Олий суд соҳасида 14,6 фоизни, ишлаб чиқариш тизимида 42,8 фоизни, қишлоқ хўжалигида қарийб 43 фоизни, таълим, маданият ва илм-фан соҳасида 72,9 фоизни, соғлиқни сақлаш тизимида 75,3 фоизни ташкил этади.

“Шуниси эътиборга сазоворки, бизнинг сайлов тизимимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги меъёرنинг киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

2009 йилги сайловлар жараёнида айтилиши парламентнинг қуйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди. Сенат аъзолари этиб сайланганларнинг 15 фоизи аёллардир, маҳаллий

⁸ И.А.Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига 8 март байрами муносабати табриги. –Т., 2013.

вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган аёллар эса бугунги кунда жами депутатлар сонининг 20 фоизидан ортиғини ташкил этади.»⁹

«Олима» аёллар уюшмаси раиси, тарих фанлари доктори, профессор Раҳбархон Муртазаеванинг айтишича, “Ҳозирги кунда мамлакатимизда 6 нафар академик аёллар, 500 нафарга яқин фан доктори, қарийб 4800 нафар фан номзоди — олималар фидокорона меҳнат қилмоқда. Ўзбекистонлик олима аёлларнинг кимё, полимерлар кимёси, биотехнологиялар, қишлоқ хўжалиги, биокимё ва бошқа соҳалардаги илмий изланишлари йирик хорижий илмий марказлар томонидан юксак баҳоланмоқда.»¹⁰

Ўзбекистоннинг бундан оқилона сиёсати ЮНИСЕФ томонидан намунавий модел сифатида эътироф этилиши ҳам юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг ҳосиласидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам хотин-қизлар барча соҳаларда эркалар билан тенг ҳуқуқли эканлиги алоҳида эътироф этилган бўлиб, уларнинг меҳнат қилиш, соғлиқни сақлаш, нафақага чиқиш каби йўналишларда эркаларга нисбатан бирмунча кенгроқ имтиёзларга эгалиги қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган барча турдаги қонунлар, қарорларда аёл, оила, фарзанд манфаати ҳамиша устувор бўлиб келмоқда. Бу ҳам Ўзбекистонда хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг тобора бўй чўзиб бораётганидан долалатдир.

Гулнора Маъруфова, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари «HUQUQ va BURCH» газетаси мухбирига берган интервьюда бу борада шундай дейди: “Аёлларимизнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, бошқача айтганда, уларнинг сиёсий ҳуқуқларини

⁹ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010. 13 ноябрь.

¹⁰ Сахатов И. Сиёсий фаоллик ва ижтимоий масъулият “Аёллар қаноти” аъзолари фаолияти мезони.// Адолат, 2013. № 17.

оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимият органларида раҳбар аёлларнинг сони сезиларли даражада ўсганини кузатиш мумкин. Масалан, Конституциявий судда — 20 фоиз, Олий судда — 14,6 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида, вилоят ва Тошкент шаҳар судларида—20,4 фоиз, Олий хўжалик судида— 15,8 фоиз ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят хўжалик судларида—22,6 фоиз хотин-қизлар фаолият кўрсатмоқда. Бугун шундай давр келдики, аёлга илгаригидек "ўзингни камситма, ҳақ-ҳуқуқингни талаб қил" дейишнинг кераги йўқ. Бўлаётган барча ўзгаришларда аёл ҳуқуқлари, манфаатлари ўз ифодасини топмоқда. Шубҳасиз, бундай жараёнда биз Ўзбекистон аёлларининг бирламчи ва энг асосий вазифаси баркамол фарзандларни вояга етказиш, уларни шу юртга муносиб қилиб тарбиялашдан иборат. Бу муқаддас бурчимиз ҳеч қачон ўз моҳиятини йўқотмайди”.¹¹

Умуман олганда, юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кучайтириш, фаоллигини ошириш, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. мустақиллик аёлларимизнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини оширди, уларни келажаги буюк давлат барпо этиш йўлидаги устувор мақсадлар сари руҳлантирди.

1.2. Республика хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг ОАВда ёритилиши

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил қилинди. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотининг асосий мақсади — хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва меҳнат жабҳасидаги фаоллигини, ҳуқуқий ва иқтисодий билим даражасини юксалтириш бўйича хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг

¹¹ Элмуродов М. Миллатга эҳтиром — аёлга эҳтиромдан бошланади. // www.huquqburch.uz.

ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ҳамда эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1995 йил 2 март куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси айти пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эса, жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган.

Ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош вазирнинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳамда туман-шаҳар Хотин-қизлар қўмиталари раисларига ҳоким ўринбосари мақоми берилди ва лавозим эгаларига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастурида халқимизнинг турмуш даражаси, ҳаёт сифатини янада ошириш, оилани янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан қатор ишлар амалга оширилаётир.

Масалан, 2013 йилнинг январь-февраль ойлари давомида ОАВлари ўртасида «Аёл – обод турмуш бунёдкори» мавзусида танлов эълон қилинди. Икки ой давомида ОАВда эълон қилинган энг яхши мақола (газета, веб-саҳифаларда), кўрсатув (лавҳа), радиоэшиттириш ҳамда фотолар махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилиб, танлов ғолибларига Наврўз умумхалқ байрами арафасида мукофотлар топширилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 2012 йилнинг июнь ойида аёлларга оид давлат сиёсатини жамоатчиликка етказиш, қўмита тизимида олиб борилаётган ишларни матбуотда янада кенг ёритиш мақсадида Ахборот хизмати ташкил этилган. Ахборот маркази Хотин-қизлар қўмиталари тизимидаги жараёнлар ва юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислохотларни аҳолига етказиб бериш мақсадида фаолиятини олиб боради. Мазкур марказда асосан оқила хотин-қиз кадрлар сафини яратиш мақсадида таъсис этилган Зулфия мукофоти совриндорлари салоҳиятидан фойдаланилмоқда. Марказнинг фаолияти мавжуд қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларда бўлиши, ОАВлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилишига ҳаракат қилинмоқда.

«Шу муносабат билан Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини ёритишда яқиндан ёрдам берган теле- ва радиодастурлар, газета ва журналлар ҳамда веб-саҳифаларни, уларнинг вакиллариини тақдирлаш, йил якуни бўйича ҳисобот бериш мақсадида 2013 йилда «Эзгулик элчиларига эҳтиром» деб номланган анжуман ўтказилди».¹²

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини ёритишда ва кенг оммага етказишда катта аҳамият касб этган www.wcu.uz Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг расмий веб-сайти ҳисобланади. Ҳозирги вақтда веб-сайтнинг иккита: ўзбек ва рус тилларидаги версияси ишлаб турибди. Веб-сайт 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, у яқин кунларга қадар бир нечта кўринишда фаолият юритиб келган. Яъни, бу веб-саҳифанинг кўриниши жуда оддий, имкониятлари чекланган ва маълумотлар базаси кам бўлган. 2012 йилнинг иккинчи чорагида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Ахборот хизмати ташкил этилди ва расмий веб-сайтнинг янги версияси ишлаб чиқилди. Ушбу веб-сайт олдинги версиядан ўзининг дизайни, бир қанча имкониятлари ва янгиликлари билан фарқ қилади.

www.wcu.uz нинг янги кўринишидаги энг биринчи янгилик бу сайт бош саҳифасининг асосий қисмини Янгиликлар ташкил этгани бўлди. Бу ҳақида

¹² Қурбонбоева М. Эзгулик элчиларига эҳтиром.// www.soglom.uz.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг расмий веб-сайти www.wcu.uz нинг янги версияси тақдмотини ўтказган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот хизматининг веб-сайт бўйича мутахассиси Зебо Нурмонова шундай дейди: “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янгича дизайндаги расмий веб-сайти (www.wcu.uz) тақдмотидаги нуткида ахборот берди: “Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва хусусан, Хотин-қизлар тизимида олиб борилаётган ислохотларни ўзида мужассам этган янгилик, эълон ва хабарлар ўқувчи диққат марказида бўлади. Иккинчи янгилик, асосий навигациялар қаторида Ахборот хизмати бўлими ўрин олди. Унда хизмат фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар, хизмат таркиби, анонс ва янгиликлар, қўмита муассислигида чоп этилаётган газета журналлар мақола ҳамда янгиликлари билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Веб-сайтнинг учинчи янгиллиги чап таблода Сайт меҳмони рукнининг яратилганлигидир. Ушбу рукнда жамиятимизнинг барча соҳаларида илғор фаолият юритаётган хотин-қизлар, Ўзбекистон қаҳрамонлари ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан интервьюлар жой олади. Сухбат эркин, халқчил тилда бўлиб, долзарб масалаларга қаратилади. Веб-сайтнинг бешинчи янгиллиги олдинги кўринишидан фарқли ўлароқ асосий саҳифада Анонслар рукни мавжуд. Бу ерда энг сўнгги ва энг муҳим бўлган 6 та анонс кўриниб туради. Анонслар ахборот базаси Ахборот хизмати бўлимидан жой олади. Сайт бош саҳифасидан жой олган кейинги янгилик бу Анжуман рукнининг яратилганлигидир. Бу ерда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг Республика Анжумани ҳақида батафсил маълумотлар, янгиликлар ва фотожамланмалар жойлаштирилади.

Сайтда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси муассислиги ва ҳамкорлигида чоп этилаётган газета ва журналлар бўлими мавжуд. Ушбу нашрларда чоп этилган энг сара мақолаларни худди шу ердан ўқишингиз ва

кўчириб олишингиз мумкин.”¹³ Мазкур сайтда маданий-маърифий, тиббий-ижтимоий, ҳуқуқий мавзулардаги материалларга кенг ўрин берилади.

Республика Хотин-қизлар қўмитасининг расмий нашри бўлган “Саодат” журнали Республика хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини очиб беришда ва тарғиб қилишда хизмати катта ва у аёлларимиз томонидан севиб ўқилади.. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий адабий-бадий безакли “Saodat” журнали 1925 йилдан буён (илк сони “Янги йўл” деб номланган) чоп этиб келинмоқда. 1936 йилда “Ёрқин турмуш”, 1938 йилда “Ёрқин ҳаёт” номи билан юритилган.

1941 йилда нашр фаолияти вақтинча тўхтаган. 1950 йилдан эса, “Ўзбекистон Хотин-қизлари” номи билан ўқувчиларга тақдим этилган. 1966 йилдан буён “Saodat” номини олди ва мавзу жиҳатидан бойиб, фаоллашиб борди. Истиқлол йилларидан кейин журналнинг саҳифаларида ошкоралик руҳида бадий жиҳатдан етук мақола ва асарлар берила бошланди ва журнал мамлакат аёлларининг ҳақиқий минбарига айланди.

Нашр Хотин-қизлар қўмиталари томонидан олиб борилаётган ишларни, маънавий-маърифий тадбирларни, турли ўқув ва семинарларни ёритади, танқидий-тахлилий материалларни бериб боради. Қўмиталар ушбу нашрни обуна мавсумида тарғиб этишга кўмаклашади, муассис сифатида нашрларни етук кадрлар билан таъминлаш, саҳифаларини бойитиб боришда ҳамкорлик қилади. Журнал аёллар учун ва аёллар ҳақида экан, албатта, матбуот тури сифатида, услубий жиҳатлари билан ўзига хослик талаб этади.

Сўнгги филларда жамиятимизда аёлнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва нуфузи ошиб бормоқда. “Saodat” журнали ушбу ижобий жараёнларни, аёлларнинг ҳис-туйғуларини кўрсатиб беришга қаратилган суҳбат-интервьюларни бериб боради.

Мазкур журналда таҳлилий жанрлар устувор (мақолалар, изоҳлар, тақризлар, шарҳлар ва хатлар). Масалан, журналда ижтимоий фаол хотин-қизлардан олинган интервьюлар, ўз навбатида, таҳлилий хусусиятларга эга:

¹³www.google.co.uz.

баён этиш нейтрал услубда “иш ва ишдаги инсон” мантикий схемаси асосида курилади. Бунда шахс унинг лаёқати нуқтаи назаридан қандайдир воқеа ёки факт орқали шарҳланади ва интервью олинаётган шахс унинг лаёқати нуқтаи назаридан журналистни қизиқтиради.

«Suhbatdoshim “Namuna umid yulduzi” oilaviy fermer xo’jaligi boshlig’i Qosimjon Yo’ldoshevning rafiqasi, yordamchi elkadoshi, “Mahalla” xayriya jamoat fondi Oltinko’l tuman bo’limi rahbari Zamiraxon Yo’ldosheva ham oltinko’lliklarning juda ko’piga xesh, qadrdon. — 4-o’rta maktabda birga ishlagan paytlarimizda eng ko’p kitob o’qiydigan adabiyot muallimasi edingiz.»¹⁴, деб бошлайди интервьюни журналист Замира Рўзиева.

Одатда, сифатли газеталар топ доирадаги мавзулар — ҳокимият ва сиёсат, халқаро муносабатлар, экология ва ш.ў. орқали намоён бўлади. Бундай мавзулар танловида суҳбатдош юқори мақомга эга. Бу интервьюер нуткий харакатининг турини белгилаб беради. Бунда журналист, суҳбатдошига ва газетхонга нисбатан юқори маданият билан муаомалада бўлади. Интервью бошида суҳбатдошини ижобий имижини яратиш учун таърифлаш усулидан фойдаланади. Масалан, журналист Қ. Раҳимбоева шу йўсинда Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова билан суҳбатни уни ижобий тавсифлашдан бошлайди:

“Suhbatdoshimiz — O’zbekiston Respublikasi Bosh vazir o’rinbosari, O’zbekiston xotin-qizlar qo’mitasi raisi Elmira BOSITXONOVA.

Toshkent davlat tibbiyot instituti (hozirgi Toshkent tibbiyot Akademiyasi)ni bitirgan. Anesteziolog — reanimatolog. Tibbiyot fanlari doktori. O’zbekistonda xizmat ko’rsatgan sog’liqni saqlash xodimi.

Turmush o’rtog’i muhandis-tadbirkor Tohirxon Bositxonov bilan Ozoda, Ziyoda, Umida, Bositxon ismli farzandlarni tarbiyalab kamolga etkazgan. Hammasi oliy ma’lumotli shifokor, iqtisodchi sifatida hayotda o’z o’rinlariga ega.

¹⁴ Saodat, 2012. № 5-6.

Yaxshilik uchun yashaylik, shiorini davralarda tez-tez tilga oladi.”¹⁵

“Saodat” журналидаги интервьюларда кўплаб ёпиқ саволлар якка тарзда келмасдан, биринчи савол-тасдиқлар ёки фактлар ҳақида саволлар, сўнгра эса, ёпиқ, бироқ таъриф талаб қилувчи саволлар кўплаб учраб туради. Бу ижтимоий фаол аёлнинг дунёкараши, тафаккурини, турмуш тарзини кенгрок очиб беришга имконият беради.

“— Siyosat olamining o'z odamiga aylanganingizdan buyon besh marta rasmiy tashrif bilan AQSh, Belgiya, Xitoy kabi davlatlarga boribsiz. Albatta, ayollar hayoti, ruhiyatiga qiziqqandirsiz, qiyoslash imkoni bo'lgandir?

— Bo'sh vaqtlarimda imkoniyatdan foydalanib o'sha mamlakatning tarixiy joylari, muzeylarini tomosha qildim. Har qanday kasb egasiga tarixiy bilim, jug'rofiy bilim, san'at olamiga yaqinlik hech qachon ortiqchalik qilmaydi.

Albatta, ayollar, ayniqsa, siyosatchi ayollar bilan ko'proq muloqotda bo'ldim. Dunyo odamlarining, jumladan, ayollarining ham bir-biriga o'rgatadigan, bir-biridan o'rganadigan jihatlari hamisha bo'lgan. Bugun ham shunday.

Oilaga sadoqat, farzandga muhabbat, o'zining jonsarakligi, jonkuyarligi, fidoyiligidan zavq olish, ayollikning jozibasi, latofatini asrash — bizda shu kabi fazilatlar bo'rtib ko'rinadi.

Xorij ayollari, ayniqsa, Evropa ayollarida shaxs kamoloti, o'z nuqtai nazarining himoyasi, shaxsiy fikri uchun kurash masalalarida bir qadar ilg'orlik seziladi.

Lekin keyingi yigirma bir yil muddatda bizning opa-singillarimiz ruhiyatida ham juda katta o'zgarishlar yuz berdi.

Mustaqillik azal abadda genimizda mavjud bo'lgan ijtimoiy faollikni kuchaytirib yubordi. Ayol podsholar, ayol sarkardalar, shoira, olimalar, mirob, tabiblar, hatto, ayol polvonlar bo'lgan tarixda. Mana, istiqlol sharofati bilan Ayol yana siyosatchi, harbiy, sportchi, san'atkor, qo'yingki, barcha kasblar egasi bo'lib ijtimoiy hayot markaziga chiqyapti. Bu — qonuniy, tabiiy jarayon.”¹⁶

¹⁵ Saodat, 2012. № 5-6.

¹⁶ Saodat, 2012. № 5-6

Журналда шундай суҳбатлар учрайдики, журналист бирорта соф савол (?) бермайди. Яъни, у (масалан, журналист Қ. Раҳимбоева) фақат фикр ёки фактни келтиради ва суҳбатдошидан тасдиқлашни ёки инкор этишни, ё муносабат билдиришни кутади. Буни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова билан ўтказилган суҳбат мисолида кўришимиз мумкин:

“— Elmira Erkinovna, siz 30 yil bir joyda — Toshkent shahar tez tibbiy yordam klinik shifoxonasida faoliyat olib borgansiz. Oddiy shifokordan bosh shifokor darajasigacha bo'lgan yo'lni bosib o'tgansiz. Yildan yilga mukammallashib borayotgan tibbiy jihozlar yordamida bilim va tajribangizga suyanib inson salomatligi uchun kurashgansiz. Kun tartibingiz, rejalarangizning chegaralari aniq edi. Hozirgi vazifani zimmangizga olgach, birdan o'n to'rt yarim millionli, quvonch-tashvishlari ham shu raqamlarday salmoqli ayollar olamiga ro'para keldingiz! Dastlabki yil taassurotlari..

— Bizning nazarimizda, keyingi paytlarda qo'mita vakillari oilalar, ayollarga yana ham yaqinroq borayotgandek.

— Suhbatimiz avvalida Prezidentimiz talablari, mustaqillik talabi bilan inson omiliga e'tibor kuchaymoqda, dedingiz. Shu fikringizni ayollarning ish bilan bandligi misolida davom ettirsak.

— Moddiy muammolar hal etila borgan sayin inson ma'naviy jihatdan yuksaladi, degan fikr bor.

— Elmira Erkinovna, O'zbekiston mustaqilligining yigirma birinchi yil tantanalari arafasidamiz. Oilaning, jamiyatning ulkan yuklarini elkalarida ko'tarib yashayotgan opa-singillarimizga bayram tilaklaringiz”¹⁷

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгиланган ва доимий ишлайдиган комиссия йиғилишларида тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси назоратга олинган

¹⁷ Saodat, 2012. № 5-6.

бўлиб, бу борадаги ишлар Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда Адлия органлари томонидан ҳам амалга ошириб келинмоқда.

“Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти юзасидан 2012 йил давомида 7619 маротаба тарғибот тадбирлари ташкил этилган. Хусусан, “Оила — жамиятнинг асосий негизи”, “Ажримларнинг олдини олиш”, “Тиббий кўрик — давр талаби”, “Хотин-қизларга бериладиган имтиёзлар” ва бошқа шу каби мавзуларда телевидениеда 375 маротаба кўрсатув намойиш этилган, радиода 404 маротаба эшиттириш олиб борилган. Газета ва журналларда эса, 611 та мақола чоп этилиб, 24 та мақола веб-саҳифада жойлаштирилган.”¹⁸

ОАВ материалларидан маълум бўляптики, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётдаги ўрни жуда фаоллашган, аёллар тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатида, илм-фан, спорт, маданият ва санъат соҳаларида ҳам фаол иштирок этиб, жамият ҳаётининг эркинлашуви ва демократлашувига, ҳаётимизнинг фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу жараёни амалга оширишда Республика хотин-қизлар кўмитасининг роли катта. Президент Ислон Каримовнинг аёллар фаолиятини янада ошириш, уларга нисбатан ғамхўрликни кучайтириш, мамлакатда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган Фармон ва қарорлари, бу борада тузилаётган Давлат дастурлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шундай экан, ОАВлари хотин-қизларнинг серқирра фаолиятини, улар эришаётган ютуқларни эътироф этиш борасидаги фаолиятларини янада кучайтиришлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

¹⁸ Каримова Л. Аёллар қаноти. //www.adolatgzt.uz.

II БОБ.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИ — МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

2.1. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга доир ҳуқуқий базанинг мустаҳкамланиши

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юртимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Бугун миллий қонунчилигимизда Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг барча ҳуқуқий асослари яратилди, бу соҳада қонунчилик базаси шакллантирилди. Бош қомусимиз - Ўзбекистон Конституцияси, Меҳнат, Оила кодекслари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, умуман, 100 га яқин меъёрий ҳужжатлар бевосита аёллар ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларига алоқадордир. Оила муҳофазаси, аёлларга, болаларга берилган ҳуқуқлар, аввало, Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оила муҳофазасига бағишланади. 18-моддасида фуқароларнинг жинси, миллати, диний эътиқодидан қатъий назар тенг ҳуқуқли эканлиги, 46-моддасида эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, 117-моддасида эса, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари кафолатланган.

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг доирасини кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш, яъни хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири, деб эълон қиларкан, яна бу вазифани кенг маънода тушуниш зарурлигини такрор ва такрор таъкидлаганлар.

Аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрнини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-

қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1084 сонли махсус Фармони, 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-3434-сонли Фармони ва унинг ижроси бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарори хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва салоҳиятини юксалтириш, уларнинг жамиятда маънавий ва маданий ҳаётидаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, хотин-қизлар ташкилотларига қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этишларига ҳамда республикада ўтказилаётган ислохотларга фаол қўшилишларига имкон берди.

Хотин-қизлар эркин фуқаролик жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида бугун давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида эркақлар билан теппа-тенг меҳнат қилиб, ўзларининг фазилатлари ва иқтидорларини ҳар соҳада намоён этмоқдалар.

Асосий Қомусимизнинг 18-моддасида хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркақлар билан тенг ҳуқуқлили эканликлари эътироф этилган. Шу сабабли ҳам, бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши, оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида миллий механизм муваффақиятли ишлаб турибди. Унга кўра, хотин-қизларга меҳнат қилиш, илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш, сайлаш ва сайланиш, қонуний никоҳга кириш, оналикка оид барча ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиш каби ҳуқуқлар кафолатлангандир.

Халқимиз тарихи шундан далолат берадики, қадим замолардан бери шарқ аёлларига муносабат масаласида дунёга ибрат намунаси бўлиб келган. Буюк аллома аждодларимиз ўз асарларида аёл зотини улуғламоққа, уларга ҳар жиҳатдан ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга даъват қилганлар. Халқ оғзаки ижодида, ёзма бадиий асарларда, тасвирий ва амалий санъат намуналарида бу эҳтиромнинг юксак намуналарини кўришимиз мумкин. Аёл мавзуси, оналарга муҳаббат Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк қалам соҳиблари ижодида ҳамиша етакчилик қилган. Шарқлик аёллар ғарбликларга

нисбатан анча аввал ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлишган, давлатни бошқаришда фаол иштирок этишган, босқинчиларга қарши курашларда мислсиз жасорат намуналарини кўрсатишган. Шу боис, аёлини улуғлаган, ҳурматини жойига қўйган юрт ҳеч қачон завола кўрмаган. Аёлнинг буюк иродаси, сабр-бардоши, зукко ақл-идроки билан жуда кўп муаммолар адолатли ҳал этилган. Бугунги кунда ҳам ҳар бир жамиятнинг маънавий қиёфасини, келажакдаги мақсад-муддаосини унинг аёлларга, оилага, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига муносабатида кўриш мумкин.

Аёлларнинг тенг ҳуқуқи масаласи ғоят мураккаб тарихга эга. Инсоният тамаддунида муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ҳаракат Ғарбда XIX асрнинг бошларида юзага келиб, унга француз назариётчиси Шарл Фурье асос солган. Фурье жамиятда аёллар ҳақ-ҳуқуқининг таъминланиши ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири деб ҳисоблаган.

Америка аёллари ўз ҳуқуқлари учун курашни 1848 йилда бошлаганлар. Шу йили Сенека Фоллз деган жойда 200 дан ортиқ аёл ва қирққа яқин эркак тўпланиб, АҚШ Мустақиллиги декларациясига ўхшаб кетадиган ҳужжатни қабул қиладилар. Унда аёллар фақатгина она эмас, жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканлиги, давлат аёллар билан мулоқотни бевосита уларнинг ўзи билан (турмуш ўртоқлари ёки ўғил болалари орқали эмас) олиб бориши зарурлиги таъкидланади. 1896 йили аёлларнинг сайлов ҳуқуқи учун кураш миллий ассоциацияси тузилади. Шу йили Вайоминг штати маъмурияти мамлакат тарихида биринчи марта аёлларга сайловларда қатнашиш ҳуқуқини беради. Орадан йигирма тўрт йил ўтгач, Айдахо ва Юта штатларида ҳам шундай қарорлар қабул қилинади.

Аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқи расман эътироф этилган қонунлар Австрия, Германия, Польша ва Швецияда 1920 йилда, Буюк Британияда 1929 йилда, Испанияда 1931 йилда, Португалияда 1932 йилда, Франция ва Италияда 1945 йилда, Грецияда эса, 1951 йилда қабул қилинган. АҚШ бўлса, бу масалада жуда кеч қолган.¹⁹

¹⁹ Адолат, 2011. март.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида кўплаб ишлар бажарилди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг бир қанча Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва ҳужжатлари қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” (1995 й., 2 март), “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш борасидаги амалий ишлар, “Соғлом она — соғлом бола” умуммиллий Давлат дастури, вилоятларда барпо этилаётган скрининг ва перинатал марказлар фикримизга далил бўла олади. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз оналикни муҳофаза қилиш бўйича дунёнинг 125 давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Илм-фан, маданият ва спорт соҳасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган ёшларимиз сафида хотин-қизларнинг сони йилдан-йилга ошиб бораётир. Президентимизнинг “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2010 йил, 1 апрель) бу борадаги ғамхўрликнинг янги намунаси бўлди. Аёлларимизнинг шижоатли меҳнати, илмий ва ижодий изланишлари, ташкилотчилик қобилиятлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Уларнинг кўксларини мустақил Ўзбекистонимизнинг олий мукофотлари бегаб турибди.

Эътироф этиш зарурки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган ғамхўрлик янада юқори босқичга кўтарилди. Ўзбекистон гендер сиёсатини юритишда катта ютуқларга эришди. Ўтган ярим аср ичида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аёллар ҳаёти ва ҳуқуқига тааллуқли 30 дан зиёд конвенциялар, халқаро битимлар ишлаб чиққан бўлса,

Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда 20 йил ичида аёллар масаласида 80 дан ортиқ халқаро андозалардаги миллий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларнинг давлат қурилишидаги иштирокини таъминлаш сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятга эга масаладир. Ўзбекистонда ҳар томонлама пухта ўйланган давлат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида хотин-қизлар ҳаракатлари ва ташкилотлари ҳам миқдор, ҳам мазмун жиҳатидан бекиёс ўсди. Улар учун дунё хотин-қизлар ташкилотлари билан бевосита мулоқот қилиш имконияти яратилди. Хотин-қизлар орасидан янги мулкдорлар — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари етишиб чиқди ва бу қатлам тобора ривожланиб бормоқда. Хотин-қизларнинг таълим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, илмий ва касбий салоҳиятларини ўстириш учун тегишли шароитларни яратиш давлат томонидан қафолатланган. Миллий қонунчилигимизда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўз аксини топган.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини тобора ривожлантириш, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг, жумладан, хотин-қизлар ташкилотларининг ролини кучайтириш масаласига алоҳида урғу берди.

Бугун хотин-қизларнинг етакчи ташкилоти бўлган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари тизими ўз фаолиятини амалга оширишда, энг аввало, давлатнинг қўллаб-қувватлашига, кенг жамоатчилик ва ҳомийлар билан ҳамкорликка суянади. Айтиш мумкин, хотин-қизлар қўмиталарининг фаолиятини янада такомиллаштириш, таъсирчанлигини оширишга асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги 1096-сонли қарори, ҳукумат комиссиясининг 2009 йил 23 апрелдаги мажлиси қарори асосида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни ҳаётга келтириш ва тарбиялаш мақсадида жамоатчиликнинг тиббий маданияти ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган кенг қўламли ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш бўйича ҳам кенг қамровли амалий ишлар олиб борилмоқда.

Давлат ва жамиятнинг асосий устуворлиги эркак билан аёлнинг тенг ҳуқуқ, тенг имкониятларини таъминлашга эришиш ҳамда шунга қаратилган халқаро стандартлар, назорат механизмларини рўёбга чиқариш масъулиятдан иборат. Мазкур принциплар ёндашувга мувофиқ, миллий қонунчилик яратилган ва ривожлантирилмоқда, амалдаги ва янгидан қабул қилинаётган қонунлар гендер жиҳатдан экспертизадан ўтказилади, шунингдек, она ва бола муҳофазасига, хотин-қизларнинг ижодий ва маънавий салоҳиятини, қобилият ва имкониятларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар амалга оширилади.

Эркак ва аёл тенглиги, хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча турларини бартараф этиш ҳақидаги ғоялар давлатимизнинг Асосий қонунда эътироф этилган. Конституциянинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”, деб белгилаб қўйилган.

БМТ нинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси (CEDAW) Ўзбекистонда 1995 йил 31 августда ратификация қилинган. Ушбу Конвенциянинг бажарилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати CEDAW қўмитасига тўртта Миллий маъруза тақдим қилган, уларнинг охиригиси 2010 йил январь ойида кўриб чиқилди. Миллий маърузаларда 2001

йил январидан 2010 йил январигача Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилган, хотин-қизлар аҳволини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар, аниқ дастур ва лойиҳалар, муҳим ташаббуслар, шунингдек, келгуси давр учун мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида маълумот берилган. Маърузаларда қонунчилик, сиёсат ва дастурларда юз берган муҳим ўзгаришлар ҳам акс эттирилган.

Ўзбекистон хотин-қизлар аҳволи бўйича IV бутунжаҳон конференциясида (Пекин, 1995 йил) қабул қилинган Платформа ва Ҳаракат дастурига қўшилган. Пекин Платформаси ва Ҳаракат дастури асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича Миллий платформа ва Ҳаракат дастури қабул қилинган бўлиб, унда таълим, бандлик, репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқни ҳимоя қилиш, аёлларни қарор қабул қиладиган даражагача кўтариш каби соҳалар учун 10 та устувор йўналиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий ва моддий аҳволини яхшилаш ҳамда уларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишдаги, янгилашни жараёнларидаги иштироки учун шароит яратиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан саналади. Бу сиёсатни амалга ошириш шакллари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари, хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий нуфузини оширишга қаратилган давлат дастурларидир. Бунда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган механизм ва қоидаларни эслаш ўринли.

2004 йил 25 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди. Унда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, таълим даражаси ва касбий малакасини ошириш, уларнинг сайланадиган вакиллик органлари

ҳамда давлат ҳокимиятининг бошқа органларида фаол қатнашишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ушбу ҳужжат Хотин-қизлар қўмитасига халқаро аёллар ҳаракати ва гендер йўналишидаги бошқа нуфузли тузилмалар билан кенг ҳамкорлик қилиш, улар доирасидаги ўз фаолиятини айниқса, ижтимоий соҳада ривожлантириш мажбуриятини юклади.

Маълумки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, бугун уларнинг юртимиз тараққиётидаги ҳиссаси тобора ошиб бормоқда. Бунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда республика хотин-қизлар қўмитаси вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари фаолиятида яққол кўриш мумкин. Чунончи, “Халқ сўзи” газетасининг 2012 йил 21-23 ноябрь сонларида эълон қилинган материалларда ҳам бу ҳақда жиддий мулоҳаза юритилади.

Гулистонда бўлиб ўтган Сирдарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳисобот-сайлов конференциясида туман, шаҳарлар хотин-қизлар конференцияларида сайланган 191 нафар делегат, вилоят ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган. Конференцияда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг 2012 йилга қадар фаолияти юзасидан ҳисобот тингланган. Унда таъкидланганишича, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий, тиббий ва маънавий маданиятини юксалтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш борасида муайян ишлар қилинган. Хусусан, хотин-қизларни

иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳар йили ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, ўтган давр мобайнида 32890 нафар аёл иш билан таъминланган. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашиш мақсадида вилоятдаги тижорат банклари томонидан 5259 нафар аёлга 32 миллиард 841 миллион сўм кредитлар ажратилган. Фақатгина 2012 йилда 515 нафар тадбиркор аёлга 7 миллиард 862 миллион сўм кредитлар ажратилгани диққатга сазовор. Шунингдек, жорий йилда 503 нафар касб-хунар коллежи битирувчисига бир миллиард 382 миллион сўм кредит ажратилган.

Ҳисобот даврида қўмита қошида ташкил этилган “Зулфияхоним қизлари”, “Раҳбар аёллар”, “Иқтидорли қизлар” тўғараклари, тадбиркор аёллар учун “Ахборот маслаҳат маркази” фаолияти ижобий баҳоланган, бу борадаги тажрибаларни кенг ёйиш тавсия этилган.

Конференцияда амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш масалалари кўнгилдагидек эмаслиги таъкидланган. Мазкур камчиликлар чуқур таҳлил қилиниб, жойларда, қишлоқларда, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, бошқа жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик бўйича вазифалар белгилаб олинган.

Жиззахда бўлиб ўтган вилоят хотин-қизлар қўмитасининг V ҳисобот-сайлов конференциясида давлатимиз раҳбарининг Фармони ижроси бўйича вилоятда амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг ҳисоботи ҳамда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган маърузаси тингланган. Унда жамиятнинг энг кичик бўғини саналмиш оилага бирма-бир кириб бориш, унинг ютуқ ва муаммоларини таҳлил қилиш, керак бўлганда, қўмак беришда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳиссаси тобора ортиб бораётгани айтиб ўтилган. Эътиборлиси, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеи ошиб,

уларнинг давлат бошқарувининг турли бўғинларида ҳамда жамоатчилик орасида таъсири кенгайиб бораётганлиги ижобий баҳоланган. Фориш тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Исмоилованинг фикрича, “Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли тадбирларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги самарасидир. Қувонарлиси, нафақат шаҳар, балки қишлоқ туманларида ҳам хотин-қизларимизнинг фаоллиги тобора ортиб борапти. Улар жамоат ишларида фаол қатнашиш билан бирга, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ҳам ўз ўринларини топмоқдалар”.

Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг “Хотин-қизларнинг мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, оилани мустаҳкамлаш жараёнларидаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013—2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастури” муҳокама қилинган ва иштирокчилар томонидан уни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар киритилган.

Навоий вилояти хотин-қизлар қўмиталарининг ўтган беш йилдаги фаолияти таҳлил қилинганида, воҳадаги хотин-қизлар қўмитаси таркибида 1251 бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатаётгани, улар хотин-қизларнинг касб-ҳунар эгаллаши ва иш билан таъминланиши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби йўналишларда изчил иш олиб бораётгани айтиб ўтилган. “Айни пайтда хотин-қизларимизнинг фаоллигини янада кучайтириш борасида аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз, — деб таъкидлаган вилоят ҳокимлигининг Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудир Гулноза Аслонова. — Ушбу йўналишдаги ишларни такомиллаштиришда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим

дастуриламал бўлмоқда. Бу эса аёлларнинг оила, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда роли тобора мустаҳкамланишига хизмат қилаяпти”.

Кўриниб турибдики, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигининг сезиларли даражада ошганини тасдиқловчи фактлар жуда ҳам кўп. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида бу йўналишда жуда катта ишлар қилинди. Аммо бу мавзунини матбуотда ёритишда маълум камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини сезиш қийин эмас. Бизнингча, хотин-қизлар мавзусига доир материалларда кўпроқ статистик маълумотларни келтириш устуворлик қилмоқда. Аёлларнинг жамиятнинг маънавий ҳаётидаги иштирокига кам эътибор берилди.

Юқорида келтирилган материаллардан маълум бўладики, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга ўз маҳоратларини намоён этиш учун ҳуқуқий базани, зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Аммо, бу борада ҳамма жойда ҳам аҳвол бирдек эмаслиги сир эмас. Айниқса, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашда кўпгина муаммолар ҳам мавжуд. ОАВ бу тўғрида кўпроқ ёзишлари, ютуқ ва камчиликларни холис таҳлил қилишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

2.2. Мустақиллик йиллари матбуотида хотин-қизлар мавзуидаги материалларнинг тематик таҳлили

“Саодат” журнали мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаётини ёритадиган ихтисослашган нашр ҳисобланади. Журнал таҳририяти бу борада жуда катта тажрибага эга эканлиги шубҳасиз. Ўз вақтида ушбу жамоага Ўзбекистон халқ шоирлари Зулфия, Ҳалима Худойбердиева раҳбарлик қилишган. Бугун жамоани яна бир халқ шоираси Ойдин Ҳожиева бошқариб келмоқда. Жамоада турли йилларда Холида Аҳророва, Санъат Маҳмудова, Раҳима Шомансурова, Шарифа Салимова, Р. Раҳмонова, Мухтарама Улуғова, Дилбар Саидова, Хосият Бобомуродова ва бошқа кўплаб таниқли аёл журналистлар

меҳнат қилишган. Уларнинг кўплари “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист” унвонига сазовор бўлишган.

Истиқлол йилларида “Саодат”нинг ижтимоий мавқеи анча кўтарилди деб бемалол айтиш мумкин. Собиқ тузум шароитида журнал асосан хотин-қизларнинг “шарафли” меҳнاتини улуғлаган, эрта тонгда далага отланиб, кун ботганда уйига қайтадиган аёлларнинг фидокорона меҳнатини улуғлаган бўлса, бугун энди у аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги иштирокини кенг ёритмоқда. Журнал материаллари жанр хусусиятларига кўра ранг-баранг бўлиб, уларда таҳлил, эътироф ва шу билан бирга, танқидий мулоҳазаларга кенг ўрин берилади.

Биз эътибор берган нарсa — журналда суҳбат-интервью жанрида ёзилган материаллар бошқа жанрларга нисбатан кўпроқ. Бунинг боиси, суҳбат чоғи очерк ёки лавҳа қаҳрамонининг ички дунёси анча кенг очилади, журналхонда аниқ тасаввур пайдо бўлади. Иккинчидан, масалан, очерк қаҳрамони журналистнинг саволларига жавоб қайтарар экан, воқеа-ҳодисаларга, жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга ўз муносабатини аниқ билдиради. Бу эса, табиийки, материалнинг таъсирчанлигини оширади.

Шу боисданми, кўпгина интервьюлар суҳбат-монолог тарзида берилган. Мутахассислар таъкидлаганидек, бундай усул ҳаётдаги бирорта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа ёки бирор муаммони ёритишда жуда қўл келади²⁰. Чунончи, журналда эълон қилинган “Хонадон чироғи”²¹ интервьюси фикримизга мисол бўла олади.

Интервью Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муносабати билан тайёрланган.

Маълумки, мустақиллик йилларида ишбилармон аёллар мамлакатимизда алоҳида қатлам сифатида шаклланди. Улар ўзларининг

²⁰ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. - Т.: Тафаккур, 2010. - 159-б.

²¹ Саодат, 2011. № 5-6.

ҳуқуқий, иқтисодий билимларини ошира бориб, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларнинг давлат қурилишидаги иштирокини таъминлаш сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятга эга. Мамлакатимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бундай тажриба жаҳон тарихи ва амалиётида кам учрайди. Эзгу ҳаракатлар асосида аёлларнинг маънавий қиёфаси ҳам тубдан ўзгарди.

Ўзбекистонда ҳар томонлама пухта ўйланган давлат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида хотин-қизлар ҳаракатлари ва ташкилотлари ҳам миқдор, ҳам мазмун жиҳатдан бекиёс ўсди. Улар учун дунё хотин-қизлар ташкилотлари билан бевосита мулоқот қилиш имконияти яратилди. Хотин-қизлар орасидан тарбияланиб, вояга етган янги мулкдорлар — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари қатлами вужудга келиб, ривожланиб бораётганлигини эса том маънода бугунги куннинг тарихий воқелиги дейиш мумкин. Хотин-қизларнинг таълим олиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши ва илмий салоҳиятини ўстириши учун шароит яратиш давлат томонидан кафолатланган. Асосийси, миллий қонунчилигимизда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўз аксини топган.

Мазкур интервьюда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова журналистнинг бир қадар оригинал, бошқа суҳбатларда бериладиган анъанавий саволлардан анча фарқ қиладиган сўроқларига эркин ва ишонарли тарзда жавоб қайтаради. Буни қуйидаги иқтибосдан ҳам билса бўлади. “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фақат фаол аёллар билан эмас, ҳар бир оила, хонадондаги муҳит билан яқиндан танишишга, уларнинг ташвиш ва қувончларидан хабардор бўлишга, халқчил бир жамоат ташкилоти сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда жойларда фаолият олиб бораётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар маҳалла шифокорлари билан биргаликда оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш,

аёллар ва болалар спортини ривожлантириш, опа-сингилларимизнинг иқтисодий, сиёсий билимларини ошириш, фарзандларимизни миллий кадриятларимизга ҳурмат туйғусида тарбиялаш, айниқса, ёш қизларимизнинг саломатлигини ҳар тиомонлама яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар”.

Журналист интервью сўнгида суҳбатдошининг қуйидаги таъсирчан сўзларини келтиради: “Ўз тақдирим мисолида айтадиган бўлсам, шу қизғин фаолият мени она шахрим Фарғонадан Тошкентга олиб келди. Мустақил юрт фарзанди сифатида хорижий мамлакатларга бордим, бошқа мамлакатлар хотин-қизлари ҳаёти билан танишдим. Ўзимизнинг шахру кишлоқларимиздаги фидойи аёллар ҳаёти билан уларни қиёсладим. Катта-катта ташкилотларни, фермер хўжаликларини бошқараётган мохир тадбиркор опа-сингилларимиз истиқлол даврида улғайди, кадрини англади ва ёрқин шахслар сифатида жамият майдонига чиқишди ва улар бугунги давр аёлининг асл қиёфасини яратишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар”.

Журналнинг 2011 йил 5-6 қўшма сонидида эълон қилинган “Бир оқшомнинг тўрт юлдузи” сарлавҳали лавҳага (муаллиф Ш. Саломов) эътибор берайлик. Лавҳада замондошларимиз ҳаётидан олинган турли, бир қарашда оддий воқеалар журналхон кўз ўнгида бадиий, таъсирчан воситалар орқали жонлантирилади ва маълум тасаввур ҳосил қилади. Ўқувчи фермер Зайнабхон Содикова, яқка тартибдаги хунарманд Зоҳида Ҳамроалиева, хусусий тадбиркорлар Замира Жўраева, Замира Муталлибовалар ҳаётидан келтирилган лавҳаларни ўқир экан, бугунги аёлларнинг ижтимоий-маънавий образини тўла тасаввур этади, яъни: “Кўнгли кўнглидан сув ичган тўрт аёл ўз дунёси билан ўша оқшомнинг тўрт юлдузи бўлди”.

Қутлибека Раҳимбоева анча йиллардан бери “Саодат” журналида фаолият юритиб келаётган истеъдодли шоира-журналистларимиздан бири. Унинг қаламига мансуб кўплаб мақола, эссе, очерк, суҳбат ва репортажлар республикамизнинг бошқа етакчи нашрларида ҳам мунтазам эълон қилинади, журналистика соҳасидаги бир қатор мукофотларга сазовор бўлган ҳам. Унинг

“Меҳнатнинг олмос қирралари”²² сарлавҳали материали маҳорат билан тайёрланган. Журналистнинг суҳбатдоши таниқли тадбиркор аёл, “Файз” холдинг мебель ишлаб чиқриш компанияси бошқарувининг раиси Мукаррамхон Азимова. У журналистнинг шундай компаниялар ўртасидаги рақобатни янгича, ўзбекча рақобт деб тушунса бўладими деган, бир карашда ҳам содда, ҳам мураккаб саволига шундай жавоб беради: “Юртимиздаги барча мебель ишлаб чиқарувчиларга бир хонадонда яшаётган ука, сингилдай хайрихоҳман. Биз ҳаммамиз биргаликда мустақил Ўзбекистон саноати учун ишляпмиз. Қувонч-ташвишларимиз ўртада. Шунинг учун, ўргатганда ҳам, ўрганганда ҳам холисман”.

Қутлибека Раҳимбоевнинг “Гулчехралар” газетасида эълон қилинган “Вақт — кадр, бойлик” номли мақоласи самарқандлик тадбиркор аёлларнинг серқирра фаолиятига бағишланган. Мақола бадий эссе руҳига анча яқин, шу боис мароқ билан ўқилади.

“Гулчехралар” газетаси “Саодат” журналига илова сифатида ҳар ойда бир марта чоп этилади. Унинг саҳифаларида эълон қилинаган материалларнинг мавзулари анча кенг, кўплари маҳорат билан ёзилган. Чунончи, газетанинг 2011 йил, 9-сонида эълон қилинган Саъдулла Олламовнинг “Меҳнатдан роҳат топиб” сарлавҳали мақоласи анча таъсирчан чиққан.

И.Аввалбоевнинг “Бойлик асоси — меҳнат”²³ суҳбат-интервьюсида эътиборга молик жиҳатлар бор. Аммо тадбиркор аёл Гўзал Шукурованинг жавобларидан муҳбир суҳбат тизгинини ўзида тутиб турмаганлиги сезилиб туради. Умуман олганда, “Гулчехралар” — оммабоп газета, уни ҳафталик нашрга айлантириш зарур деб ҳисоблаймиз.

“Саодат”да эълон қилинган Салима Умарованинг “Бир қўлида эгалик, бир қўлида бекалик...”²⁴ номли мақоласи хотин-қизлар мавзусида ёзилган энг яхши мақолалардан ҳисобланади. Унда навоийлик тадбиркор Шафоат

²² Саодат, 2011. № 2.

²³ Гулчехралар, 2011. № 10.

²⁴ Саодат, 2012. № 2

Нуруллаеванинг меҳнат фаолияти, оилавий ҳаёти ҳамда жамоатчилик ишларидаги фаоллиги кенг очиб берилган. Бу аёл кичик транспорт корхонси ташкил этиб, йўловчиларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Унинг қуйидаги фикрлари ўқувчи эътиборини жалб этиши аниқ: “Мен ўн нафар ишчига иш берсам, ўнта оилага хотиржамлик киради. Қозони қайнайди, болаларининг эғни бут, кўнгилларига орзу-ҳавас сиғади. Яна бир тадбиркор ўнта ишчини иш билан таъминласа, шу тарза жамиятд ўзиг хос мувозанат юзага келади”.

Кўриниб турибдики, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигининг сезиларли даражада ошганини тасдиқловчи фактлар жуда ҳам кўп.

Дарҳақиқат, истиклол йилларида бу йўналишда жуда катта ишлар қилинди. Аммо бу мавзунини матбуотда ёритишда маълум камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини сезиш қийин эмас. Бизнингча, хотин-қизлар мавзусига доир материалларда кўпроқ статистик маълумотларни келтириш устиворлик қилади. Аёлларнинг жамиятнинг маънавий ҳаётидаги иштирокига кам эътибор берилади.

Бошқа бир камчилик шуки, мустақиллик йилларидан бошлаб мамлакатимизда чоп этилаётган турли хусусий ва тармоқ газета ва журналларида ҳам хотин-қизлар мавзуси ёритилади. Бироқ, айтиб ўтиш жоизки, уларнинг аксарияти маиший, севги-муҳаббат, оилавий можаролар, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик хусусида бўлиб, аёлларимизга хос бўлган ижтимоий фаоллик мавзуси деярли четда қолади.

Ўзбекистон халқ шоири, таниқли жамоат арбоби, Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофот соҳибаси, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараққийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун халқаро «Нилуфар» мукофоти совриндори Зулфия Исроилованинг босиб ўтган ҳаёт йўли, мерос қолдирган ижоди ва айниқса ҳар бир ўзбек қизига, нафақат ўзбек қизи, балки, шарқ қизларига ўрнатилган бўладиган маънавий дунёси халқимиз ва юртбошимиз томонидан юксак баҳоланган.

Шоиранинг оғир ҳаёт йўли ва ҳаётнинг оғир зарбаларида вафо ва садоқат билан бардош бергани, ўз эътиқодига, халқига содиқлиги Президентимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида маънавий жасорат сифатида эътироф этилган.

Зулфияхоним ўзининг бой адабий мероси, фаол жамоат арбоби сифатидаги фаолиятида ўзбек аёлларининг салоҳияти нақадар юксак эканини кўрсатиб берди. У латиф ижоди билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берди, Президентимиз таъбири билан айтганда, “...бу ёруғ дунёда айрилиқ ва хижрон азобини, ғам-андухларни матонат билан маҳв этган, армонлардан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланди”.

1999 йилнинг 10 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 2326-сонли Фармони асосида Зулфия мукофоти таъсис этилган бўлса, 2007 йилда эълон қилинган “Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида”ги қарори асосида ардоқли шоирамизнинг бадиий сиймоси яратилди.

Аёл зотига эҳтиром ва эъзоз, ижодкорга ва шеърятга бўлган юксак ҳурмат намунаси сифатида таъсис этилган, юртимиз қизларининг йўлчи юлдузига айланган ва юзлаб иқтидорли қизларнинг кашф этилишига сабаб бўлган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлирида аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакилаларига биттадан ҳар йили (14 нафар қизга) Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида (кўкрак нишони ва дипломи) берилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида тайинланади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 2 февралдаги ПФ-3717 сонли Фармони асосида мукофот Низомига ўзгартириш киритилган. (Фармонга кўра Зулфия номидаги давлат мукофоти 25 ёшгача бўлган кизларга эмас, 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган кизларга берилиши мақсадга мувофиқ деб топилган.)

Зулфия номидаги давлат мукофоти 2000 йилдан буён аъло хулки, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган иқтидорли кизларга адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун бериб келинмоқда.

Совриндорлар сони 182 нафарга етди. Уларнинг йўналишлар бўйича таҳлили қуйидагича:

Адабиёт йўналишида – 42 нафар;

Маданият йўналишида – 41 нафар;

Санъат йўналишида – 37 нафар;

Фан йўналишида – 24 нафар;

Таълим йўналишида – 38 нафар.

Совриндорларнинг 162 нафари ўзбек, 12 нафари қорақалпоқ, 1 нафари қирғиз, 2 нафари тожик, 2 нафари рус, 1 нафари бошқирд, 2 нафари қозоқ миллатига мансуб.

Улар орасида 2 нафар фан номзоди, 5 нафар Президент, 3 нафар Навоий, 1 нафар Ибн Сино стипендияси совриндорлари, 3 нафар халқаро фан олимпиадалари, 3 нафар халқаро санъат танловлари ғолиблари бор. Мукофот соҳибаларининг 15 нафари спортнинг турли йўналишлари бўйича

Ўзбекистон, Осиё чемпиони ва шунинг билан бирга, халқаро ва жаҳон чемпионатлари иштирокчиларидир²⁵.

Хотин-қизлар ҳаёти ва ижтимоий фаолиятидаги бу ўзгаришлар, қўлга киритилаётган ютуқлар оммавий ахборот воситаларида, хусусан, газета ва журналларда, айниқса, телевидениеда (“Қизлар давраси”, “Супер келинчак”, “Рўзғор мактаби” кўрсатувлари) аввалги йилларга нисбатан анча кенг ёритилмоқда. Бир қатор хусусий нашрлар, масалан, “Сўғдиёна”, “Даракчи”, “Келинчак”, “Аёл қалби”, “Ҳордиқ” ва бошқа тижорат нашрларида ҳам бу мавзуга катта эътибор берилади. Гарчи уларда кўпроқ аёллар ҳаётининг маиший жиҳатлари қаламга олинса-да, мамлакатимизда хотин-қизларнинг тинч-тотув умргузаронлик қилишаётгани равшан кўриниб туради.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги аниқ чора-тадбирлар, шубҳасиз, ўзининг ижобий самарасини беради. Бугун мамлакатимизда тинчлик-тотувлик ҳукм сураётган экан, бунда аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

²⁵ Ушбу маълумотлар Хотин-қизлар республика қўмитаси ахборот марказидан олинган.

III БОБ.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВЗУСИНИ ЁРИТИШДА ЖУРНАЛИСТ МАҲОРАТИ

3.1. “Хуррият”, “Туркистон”, “Адолат”, “Оила ва жамият”, “Гулчехралар”, “Суғдиёна” газеталардаги хотин-қизлар мавзусига оид материаллар таҳлили

Мустақиллик шарофати билан, оммавий ахборот воситаларида хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги мавзусида кўплаб мақолалар эълон қилина бошланди. Бу борада “Хуррият”, “Туркистон”, “Адолат”, “Гулчехралар”, “Суғдиёна”, “Оила ва жамият” газеталари, шунингдек, «Саодат», “Жаннатмакон”, “Водий гавҳари”, “Ўзбекистон матбуоти” журналлари анча фаоллик кўрсатмоқдалар.

Шуни эътироф этиш керакки, хотин-қизлар мавзусини ёритишда таҳририятларнинг ташаббускорлиги эълон қилинаётган мақолаларда, ижодий жамоалар томонидан ўтказилаётган турли тадбирларда ўз ифодасини топган дейиш мумкин. Бироқ, бу мавзу йилдан-йилга кенгайиб, ижтимоий аҳамияти тобора ортиб бормоқдаки, уларнинг барчасини қамраб олиш учун ҳали кўп иш қилиш зарур бўлади. Бу мавзу, масалан, сиёсий партияларнинг нашрларида ўзининг тўлақонли ифодасини топмоқда, дея айта олмаймиз. Бу нашрларда эълон қилинаётган материалларнинг таъсирчанлиги, демакки, ўқувчини ўзига жалб қилиши ҳозирча талаб даражасида эмас. Янги ташкил этилган “Оила даврасида” газетаси бу мавзуда ғоят қизиқарли мақолалар бериши мумкин, аммо газетанинг 2012 йилнинг сўнгги уч ойи ичида чоп этилган сонларида хотин-қизлар мавзусига тааллуқли жиддий таҳлилий, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатадиган мақолаларни деярли учратмадик.

Аёллар мавзуси “Суғдиёна” газетасида ҳам ёригилади. Аммо эълон қилинган мақолаларнинг аксариятида ижтимоий мазмун йўқ, шунчаки маиший муаммолар. Буни газета саҳифаларидаги мақолаларнинг сарлавҳаларидан ҳам билса бўлади: “Суйганимни деб, ота-онамни азобга қўйдим”, “Қайинсинглим тинчимни бузаяпти”, “Сотилган келин

изтироблари”, “Гастролчи келиннинг тантанали қайтиши”, “Омади чопган келинчакнинг изтироблари” (2012 йил, 12-сон), “Ношукурлик қилманг, аёллар”, “Оилали аёлни севиб қолдим”, “Суйганим бева экан”, “Оиламга хиёнат қилдим, аммо...”, “Турмуш ўртоғим онасининг гапидан чиқмайди”, “Совға ундириш сирлари” (2012 йил, 11-сон), “Онам ва рафикам: икки ўт орасида қолдим”, “Ишқ андуҳи оғушида” (2012 йил, 32-сон).

“Оила ва жамият” газетасида эълон қилинган “Қайтиш” номли эсседа²⁶ бир оиланинг таназзулга юз тутиши жонли мисоллар ёрдамида жуда таъсирчан очиб берилган.

“Ота-онам ўзига тўқ одамлар эди. Бир умр савдода ишлашган, кийинчилик нималигини билмай катта бўлганман. Иккалалари хар йили курортга бориб дам олишарди. Бизга эса чамадонни тўлатиб совға-салом олиб келишарди. Биринчи телевизор ҳам бизникида бўлган.

Дадам раҳматли қўли очик одам эди. Магазиндан насияга мол бераверарди. У пайтлари одамларда пул бўлмас эканми, кўпчилик насияга макарон, ёғ, гуруч олиб, дафтарга ёздириб қўйишарди. Мен кичкина қиз бўлсам-да, дадамнинг айтганларини чиройли қилиб дафтарга ёзиб борардим. Маҳалламизда ёки қариндош-уруқда бирор киши оламдан ўтса ё оғир касал бўлиб қолса, дадам ўша кишиникига магазиндан гуруч-ёғ жўнатарди. Мен тушунмай, “Дада, пулини ёзиб қўяйми”, десам, “Ёзма, пули осмондан тушади”, дер эдилар.

Бир йили дадамнинг устидан юқорига чақув бўлиб, магазинни тафтишчилар босди. Бир ҳафта текшириб, анча-мунча камомат топишди. “Фалончи растарата қилибди”, деган гап тарқалди. Бу сўз қулоқларимизга худди “Фалончи фалончини ўлдириб қўйибди” дегандай эшитилганди ўшанда. Дадам зир югуриб, уйдаги от, мол, қўй-эчкиларни сотиб, пулини топширдилар, онамнинг тилла тақинчоқлари, дадам курортдан олиб келган гиламлар ҳам кетди. Аммо, барибир, дадамни қамаб қўйишди. Насия моллар

²⁶ Аҳмад Оға. Қайтиш.// Оила ва жамият, 2012.

ёзилган дафтарни кўтариб, онам билан эшикма-эшик юрдик, биров берди, бошқа биров эса кўзимизга бакрайиб қараб, тонди”.

Оиладаги кўргуликлар шу воқеадан кейин бошланади. Оиланинг тўнғич қизи савдо соҳасини унча ёқтирмаса ҳам, отасининг талаби билан шу соҳага ўқишга киради. Тошкентга келиб, савдо техникумига киради. Дарсдан кейин магазинда сотувчига ёрдамчи бўлиб ишлай бошлайди.

“Биринчи маошимдан ота-онамга, укаларимга совға олдим. Мукофот пулига кийим-кечакларимни янгиладим. Онам “Қизим, ўқишинг битди, ишлайман десанг, магазин шу ерда ҳам бор, ишлайверасан, ўзимиз кўз-қулок бўлиб турамиз”, деб кисталанг қилдилар. Отам бўлса, “Қўй, онаси, йўлини тўсма, худо хохласа, ҳаммаси яхши бўлади”, деб менинг ёнимни олдилар.

Тошкентга қайтиб келиб, ишимни давом эттирдим. Орадан бир йил ўтгач, мени катта сотувчиликка, сўнг товароведликка ўтказишди. Маошим яхши, бунинг устига, унча-мунча чой-чақа ҳам қолади, нолийдиган жойи йўқ, бинойидек ишлаб юрдим. Аммо...

Бир куни кечаси магазин мудир ижара уйимизга қўнғироқ қилиб қолди. “Товар келиб қолди, срочни қабул қилиб олиш керак”, деди ва кийиниб пастга тушиб туришимни тайинлади. Шоша-пиша пастга тушсам, шофёр йигит кутиб турибди. Магазинга келиб, товарни кирим қила бошладик. Охирида “Ҳаммаси тўғри, қабул қилиб олдим”, деб бир-иккита қоғозга қўл қўйиб бердим. Эҳ, ўшанда гулдай умримни ўзим хазон қилганимни билмаган эканман....Орадан йигирма кун ўтиб, магазинга комиссия келди. Омборни текшириб... э худо, жуда катта камомат топишди. Бир машина товар кирим-чиқим дафтарида бор, аммо омборда йўқ. Жоним бўғзимга келди. Хужжатда менинг қўлим турибди. Бошимга дадамнинг қисмати тушадигандай, дағ-дағ титрайман, овозим чиқмайди. Комиссия бошлиғи қўлимга бир варақ қоғоз бериб, нима бўлганини бизга ёзиб беринг, кўрқманг”, дейди. Нимани ёзаман, нимадан кўрқишим керак — билмайман. Хуллас, менга уч кун муҳлат беришди. Шу уч кунда бир машина товарни жойига қўйишим керак экан...

Кечкурун гуноҳкордай бўйнимни эгиб, магазин мудирининг олдига кирдим. У аввалига: “Нима қилиб қўйдинг, мана энди сен ҳам, мен ҳам камаламиз, умримиз турмада ўтади”, деб роса бақирди. Мен унга: “Менда гуноҳ йўқ, буни ўзингиз ҳам биласиз, нега энди қамалар эканман?”, десам, баттар бобиллаб кетди: “Бир машина товарни энангникига обориб қўйдингми, қанжиқ, сени деб мен хонавайрон бўлайми, қамалиб кетсам, бола-чақамни ким боқади?...”.

Шундагина нима иш қилиб қўйганимни тушундим, бир иложини қилинг, қамалиб кетмай, деб мудирга ялиндим-ёлвордим...”

Мудир “иложи”ни топади — бегуноҳ қиз ўша куниёқ унинг ўйнаши бўлади ва ҳаёти, оиласи бутунлай издан чиқади.

Айтиб ўтиш керакки, эссе қаҳрамонининг бундай аянчли аҳволга тушиб қолишига фақат унинг ўзи сабабчи эмас. У нопок, худбин, фақат ўз роҳат-фароғатини ўйлайдиган одамлар орасига тушиб қолади. Нияти бузук китшиларнинг тўрига илинади. Бу тўрдан вақтида чиқиб кетишга ўзида журъат топа олмайди.

“Адолат” газетасида эълон қилинган “Тилла узук. У бир оилани барбод қилиши мумкин эди” сарлавҳали мақола²⁷ таҳририятга келган бир мактубга шарҳ кўринишида ёзилган. Таҳририят номидан ёзилган кириш сўзида қуйидагиларни ўқиймиз: “Газетамизга йўлланаётган мактублар орасида гоҳо тазарру изҳорлари ҳам учраб туради. Шу чокқача қўлига қалам олиб, бировга кўнглини очмаган, бошига тушган кўргиликларни энг яқин кишисидан ҳам яшириб келаётган қиз, ғўрлиги боис ҳаёт чорраҳаларида йўлини йўқотган йигит, икки ўт орасида ёнаётган муштипар она, шайтон васвасасига учган, виждон азобига дош бера олмай, фарзандлари кўзига тик қарай олмаётган ота дардини тўкиб соладик, бундай мактубларни ўқиш ҳам, газетхон ҳукмига ҳавола этиш ҳам осон эмас.

Шундоқ деймиз, аммо бошқа бир мулоҳаза ҳам бор. Тенгдошлари илмга берилиб, нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, танловларда

²⁷ Адолат, 2011. 27 ноябрь.

ғолиб чиқатган ёки бирор бир фойдали иш билан машғул бўлиб, касб-хунар эгаллашаётган бир пайтда, кўриб-билиб туриб ўз бахтларига ўзлари зомин бўлаётганлар, ўзи, оиласи, ота-онаси шаънига гард юктираётганлар камми? Шундоқ экан, адашганларнинг тазаррулари, пўшаймонли мактублари бошқаларга сабоқ бўлиши, кимнингдир кўзини очиши, хушёр торттириши мумкин-ку”.

Мана, ана шундай тазарру мактубларидан бири.

“Хурматли тахририят!

Дунёда виждон азобидан оғир дард йўқ экан. Бу дард юрагимни кемиради, туриб-туриб ўзимга ўзим хунук кўриниб кетаман. Бир лахзалик ҳавас деб шу кунларга қолдим...

Талабалик йиллари Раъно исмли дугонамнинг уйига борган эдик. Мен билан бирга яна учта қиз тоғ ёнбағрида жойлашган қишлоқда меҳмон бўлдик. Учинчи куни шаҳарга қайтамиз, деб турганимизда, қўшни маҳаллада тўй бўлиб қолди. Раъно тўйни ўтказиб кетайлик, деб туриб олди. Рози бўлдик.

Тўй яхши ўтди. Урф-одатлари жуда ажойиб экан, роса яйрадик. Меҳмон бўлиб ўтиравермай, Раънога қўшилиб унча-мунча юмушларига қарашдик. Мен азалдан идиш-товоқ ювишни, хоналарни тартибга келтиришни яхши кўраман. «Кўйинглар, сизлар меҳмонсизлар», дейишса ҳам кўнмадик. Эртасига эрталаб ҳовлини супуриб-сидиришга тушдик. Ювилиб артилган бир даста ликопчаларни кўтариб хоналардан бирига кирган эдим, кўзим токча бетида турган тилла тақинчоқларга тушиб қолди. Иккита ёқут кўзли узук, битта балдоқ, никоҳ узуги. Узукни ҳавас қилиб бармоғимга тақдим. Бирам ярашдики. Йўқ, ўшанда хаёлимда ёмон фикр йўқ эди. Шунчаки ҳавасим келганди. Ўқишимни тугатсам, мен ҳам келин бўламан, деб ўйладим.

Шу пайт хонага кимдир кириб қолди. Узукни бармоғимдан чиқаза олмадим. Ноилож қўлимни яширдим, хонага эркак меҳмонлар кириб ўтириб олишди. Нима қилишимни билмай қолдим. Биров кўриб қолса, бу қиз ўғри экан, дейди деб, узукни сумкачамга солдим. Ичим тўла ваҳима. Ҳамма худди

мени зимдан кузатаётгандек бўлаверди. Раъно келиб, «Ҳай, ўртоқжон, чарчаган кўринасан, хоҳласанг, сингилларим билан айланиб келинглар», деди. Мен «Йўқ, чарчаганим йўқ», дейман, аммо ўзимни ўзим танимайман.

Кечкурун поездга чиқишимиз керак. «Кечгача бир амаллаб жойига кўяман», деб ўйладим. Аммо иложи бўлмади. Тушдан кейин Раъноларникига қайтиб келдик. Ҳадеб сўрайверишганидан кейин, бошим оғриб қолди, дейишга мажбур бўлдим.

...Тошкентга қайтгач, аҳволим баттар ёмонлашди. Дугоналарим менга сирли қарашаётгандек бўлади. Ранг-рўйим бир аҳволда. Бу орада онам касалланиб қолдилар. Оилада ёлғиз қиз бўлганим учун, ўқишим ҳам кўзимга кўринмай, олдиларида ўтирдим. Яратганнинг иродаси экан, бир ойга етиб-етмай оламдан ўтдилар. Кейин... Раъно уйига бориб келди. Хаёлим унда, оғзини пойлайман, аммо кўзига тик қарай олмайман. Неча бор бўлган гапни шартта айтиб, ўзимни оқлаб олай дейман-у, журъатим етмайди. Узук кўзимга балодек кўринади, қаерга яширишни билмайман. Олтин девордаги Мўмин чолдай, ҳали у ерга, ҳали бу ерга беркитаман. Охири битта ишонган ўртоғимга кўрсатиб (у бошқа олийгоҳда ўқирди), «Шу омонат сизда туриб турсин», дедим. Хўб, деб олиб кетди. Кейин билсам, яна хато қилган эканман. Ўша ўртоғим бир куни келиб: “Дугонажон, мени кечир, узукни йўқотиб қўйдим”, деса бўладими? Тилимни тишлаб қолавердим.

Бир куни хонада уч-тўрт қиз чой ичиб ўтирган эдик, қизлардан бири Раънога “Ўртоқжон, баҳорда яна сизларникига борайлик”, деб қолди. Раънохон худди шу гапни кутиб тўргандай. Э, қўйсаларингчи, “Алижон овга чиқди, кетидан ғавғо чиқди”, деса бўладими. Юрагим “шувв” этиб кетди. Бир нимани баҳона қилиб аста ташқарига чиқдим. Бу ерда ортиқ қола олмаслигимга кўзим етди. Узук қўлимда бўлганида, ҳозироқ, бўлган воқеани айтиб, керак бўлса, уйларига олиб боришга тайёр эдим...”

Бор гап шу. Бир қарашда, жўнгина воқеа. Лекин, мактубдан кўринадики, шу “жўн” воқеа бир оиланинг барбод бўлишига сабабчи бўлай деган. Бунинг оқибатини мингта тақинчоқ билан ҳам тузатиш қийин.

Юқорида келтирилган 3 та мақолада, энг аввало, муаллифларнинг маҳорати, аёл мавзусининг нозиклиги кўзга ташланади. Афсуски, “Хордиқ”, “Даракчи”, Сўғдиёна”, “Келинчак” каби тижорат нашрларида чоп этилаётган кўплаб мақолаларда бундай маҳоратни кўра олмаймиз. Уларнинг аксарияти энгил фикрлашга, олди-қочди воқеа-ходисалар тафсилотига ўрганиб бўлган ўқувчига мўлжалланган. Бундай мақолалада хотин-қизларнинг бугунги тўлақонли ҳаётига мос келмайдиган, ҳаёт ҳақиқати бузиб талқин этилган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Аёлларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларнинг давлат қурилишидаги иштирокини таъминлаш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг таълим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, илмий ва касбий салоҳиятларини ўстириш учун тегишли шароитларни яратиш, хотин-қизлар қўмиталарининг фаолиятига оид мавзуларни ёритишда “Саодат” журнали муассислигида нашр этилаётган “Гулчехралар” адабий-маърифий нашрини ҳам тилга олишимиз мумкин. “Гулчехралар” газетаси 1999 йил апрель ойидан чиқа бошлаган. Газета ойда бир маротаба чоп этилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, “Гулчехралар” газетаси ҳам республикадаги ижтимоий фаол аёлларнинг фаолиятига оид мавзулардаги материаллари билан ўз ўрнига эга.

Масалан, газетанинг бу йилги сонларидан бирида “Кун тартибда: ижтимоий фаоллик, тиббий муҳофаза, маънавий тарбия” сарлавҳали материал берилган. Унда республикада ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтгани хусусидаги ахбороти берилган.

“... Дарҳақиқат, бугун аёлнинг фаолият майдони кенгайди. У сиёсатишунос, тадбиркор, фермер... Инсон ўзи яшаётган муҳит, ўзи қилиётган ишнинг бир қисмига айланади. Демак, истиқлол аёлига яратилаётган имкониятлар уни маънавий жиҳатдан юксалтирмоқда. Аёл ўз зиммасидаги вазифани адо этар экан, касбий маҳоратини оширмоқда.

*Жамиятдаги ислохотлар ичига чуқурроқ кириб борар экан, ундаги ташаббускорлик руҳи кучаймоқда...*²⁸ Мавзу долзарб, аммо уни ўқувчига етказиб беришда журналистнинг матний маҳорати етишмаган. Биргина абзацнинг ўзида услубий хатолар бор. Жумлалар бир-бирига мантиқан боғланмаган.

Материалнинг кириш қисмида ахборот жанрига оид бўлмаган унсурлар ўз аксини топган:

“Аёл минг бир ришталар билан фарзандлари, оиласи, яқинларига боғланган бўлади. Демак, аёлга эътибор жамиятга эътибордир. Истиқлол аёлининг ҳар бир куни, орзу-мақсадлари, интилишлари ҳамиша Президентимиз, ҳукуматимиз назарида турибди. Шиддат билан амалиётга айланаётган Фармон, қарорлар марказига ҳам аёл ташаббуси, аёл тақдири чиққани бежиз эмас.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни масаласига бағишланган давра суҳбати иштирокчилари ҳам мазкур фикрларга алоҳида урғу бердилар.”²⁹ Кўриниб турибдики, материал матнида кераксиз, умумий жумлалар кўп. Уни қисқа, лўнда қилиб, кенгайтирилган хабар шаклида берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

“Газета матнининг мукаммал, бехато ва равон бўлиши учун журналистдан жуда катта маҳорат, билим, кўникма, зийраклик, материалларнинг ижтимоий-мафкуравий, маданий-ахлоқий, адабий-услубий жиҳатдан баҳолай олиш малакаси, фикрни ёзма билдириш малакаси талаб этилади. Бунинг учун журналист адабий тил меъёрлари, жумла тузиш, фикрни ёзма билдириш маҳоратига эга бўлиши лозим. Матннинг таркибий қисмлари ва унсурлари орасидаги уйғун боғланиш ва изчиллик, мазмуний ва

²⁸ Кун тартибида: ижтимоий фаоллик, тиббий муҳофаза, маънавий тарбия //Гулчехралар, 2013. 12 апрель. -3-б.

²⁹ Кун тартибида: ижтимоий фаоллик, тиббий муҳофаза, маънавий тарбия //Гулчехралар, 2013. 12 апрель. -3-б.

мантикий тугаллик, уларнинг шаклий яхлитлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим”³⁰

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир жанр вазифаси ва имкониятларини англаш ҳамда уларга ижодий ёндашиш оммавий ахборот самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Муаллиф Замира Рўзиеванинг “Ойдин бекат” рукни остида “Дехқон ҳаётидан бир лавҳа” сарлавҳали суҳбати эълон қилинган. Ушбу суҳбат “2013 – Обод турмуш йили”га бағишланган. Суҳбат қаҳрамони Муяссархон Болтабоева. У Олтинкўл тумани Маслаҳат қишлоғидаги “Маслаҳат гулшани” фермер хўжалиги раҳбари. Муаллиф суҳбат жараёнида реципиентга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди:

“Фермер хўжалиги ташиқил этишда чўчимадингизми? Ахир, анча масъулиятли иш бу.”, *“Ўзбек ҳамма яхши ишлари оиладан бошланади. Шу боис юртимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, оилавий фаровонлик ҳамманинг истагига айланган. Сиз эса яшаиш уйингизни шийпонга кўчириб олибсиз. Бунинг сабаби нимада?”*.³¹

Журналист қаҳрамонни суҳбатга тортишдан олдин материалнинг лид қисмида унга чиройли таъриф берган, феъл-атвори, фазилатларини бир-икки жумла орқали ифода этган:

*“Камтар, дилкаш бу аёлнинг ҳавас қилгулик фазилатлари кўп. Уйини, томорқасини гуллатиб-яшината оладиган бека. Уч фарзандни тарбиялаб, элга қўшган она. Ҳазил-ҳузулни, дилтортар қўшиққа яйраб рақс тушишни ёқтирадиган даврадош дўст”*³².

Муаллиф суҳбатдошига савол беришдан аввал ҳаётига бир назар ташлаб, фермерлик соҳасига қўйган илк қадамлари ҳақида фикр юритади:

³⁰ Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. – Т.: Университет, 2006. -218-б.

³¹ Рўзиева З. Дехқон ҳаётидан бир лавҳа // Гулчехралар, 2013. 12 апрель.

³² Рўзиева З. Дехқон ҳаётидан бир лавҳа // Гулчехралар, 2013. 12 апрель.

“У қирқ йиллик оддийгина деҳқон. Қуёшнинг тафтини, ёмғирнинг ёрдами, фаслларнинг гоҳида саховату гоҳида инжиқлигини даладаги тупроқ қандай ҳис қилса Муяссар опанинг юраги ҳам шундай сезади. Опа аввал бошида ҳисобчиликка ўқиганди. Қишлоқда яшаб, ер билан тиллашмаса, ярашмайди. Шундан бўлса, ерга меҳр қўйиш унга ҳам юққан.

Йиллар ўта борди. Муяссархон Болтабоева чинакам пахтакор, деҳқон бўлгани сари бу соҳа ихлосмандига ҳам илм зарурлигини сизди. Шунда қирқ ёшга етган эди. Бу хулосасини иккиланиб турмуш ўртоғи Азимжон акага айтганда, у тўғри тушунди:

- Эзгу ишнинг кечи йўқ. Ўқисангиз ёмон бўлмайди. Қўлимдан келганча ёрдам бераман. Наргиза қизимиз алақачон уйнинг дастёри бўлиб қолди. Укалари ҳам унга ёрдамчи. Аммо институтда ўқиш учун фақат шароитгина эмас, кўпроқ қунт, меҳнат керак бўлади. Ўзингизда шундай куч топа олсангиз, мен розиман, - деди.

Муяссар опа ирода ҳам, қунт ҳам топди. Меҳнатдан қочмади, изланишдан эринмади. Собиқ Тошкент қишлоқ хўжалик институтини агрономчилик соҳаси бўйича муваффақиятли тамомлади...

- ...Устозим - болаларимнинг отаси – Азимжон Болтабоев эканини айтаман... Деҳқон дегани далада ер чопишу пахта теришигина эмас, ўзига хос илм, тажриба ва шунча фидойилик эканини шу устозим уқтирган-да... ”³³.

Кейинги берилган саволга реципиент фермерлик фаолиятига тўхталиб ўтган:

“ - ...Ахир, фермер хўжалигимизнинг 4 бош қорамол, 10 та курка, 15 та ўрдак, 20 та товуқ, 50 уя асалариси шу шийпонда боқилади-да. Уларни парваришлаш, кўз-қулоқ бўлиш керак. Дадаси жонсаралик қилиб, баъзан шийпонда тунаб қоларди. У кишини қийнаб қўймайлик, деб ўғилларимиз икки хонали уй қуриб беришди. Мен ҳам кўчиб ўта қолдим. Сафдош, фикрдош одамимнинг ёнида бўлай, дедим. Бу бизнинг мавсумий қўналгамиз бўлди.

³³ Рўзиева З. Деҳқон ҳаётидан бир лавҳа // Гулчеҳралар, 2013. 12 апрель.

Ховлимиз сиз тасаввур қилгандай фаровон. Ҳамма шароитлар бор. У ерда келинларим қолишиди. Ҳеч бир хавотирим йўқ.»³⁴

Журналист суҳбатдошининг фаолиятига оид фактлар, далилларни келтирган:

“... Йил якунларидаги ютуқларига кўра, “Дамас” автомашинасини мукофотга беришди. Разбат уларнинг меҳнатга иштиёқини янада оширди. 35 нафар аъзодан иборат бўлган фермер хўжалиги мана 5 йилдирки, пахта ва галладан баракали хирмон кўтариб келади. Муяссар опанинг ўзидай фидойи деҳқонлар – механизатор Мамадали Исоқов, сувчи Муталлибжон Боқиев, ишчилар Замирахон Маннопова, Зухра Ўрмонова, Нодира Қамбароваларнинг ҳаммаси катта бир оилага айланишган. Ўтган йили улар 37,5 гектар майдондан 40 центнердан пахта, 28 гектар буғдойзордан 60 центнердан дон олишди. Юқори ҳосил эвазига ажратилган 1 гектар ерга сабзавот экиб, ўзлари қарашиди. Шийпоннинг ёнидаги 10 сотих жойга 100 туп олма кўчати ўтқазилган эди, унинг ёнига бу йил 50 туп узум ҳам қўйишди.

...Хўжалик 3 йил бурун битта чопиқ трактори сотиб олагнди. 2012 йилги даромаддан лизинг асосида ТТЗ-80 тиркамалитракторига буюртма беришди. Яна битта “Дамас” автомашинаси мукофотига ҳам эга бўлишди...»³⁵

Журналистнинг бу материали ҳисоботга ўхшайди. Факт ва рақамларни ҳисобот шаклида берган. Аксинча, реципиентнинг фикрларини ўз сўзи билан ифодалаганда, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу материалда ҳисобот жанрининг элементлари яққол кўриниб турибди. Ўқувчида ахборотни осон ўқилишига ҳалақит бериб, зерикишига имкон яратади. Кўпроқ содда гаплардан фойдаланиши лозим.

Умуман айтганда, “журналист ахборот тўплашда ҳам, ахборотни узатишда ҳам мулоқот вазиятини тез ва тўғри белгилай олиши лозим. Бу

³⁴ Рўзиева З. Деҳқон ҳаётидан бир лавҳа // Гулчеҳралар, 2013, 12 апрель.

³⁵ Рўзиева З. Деҳқон ҳаётидан бир лавҳа // Гулчеҳралар, 2013, 12 апрель.

ахборот манбаига (суҳбатдошларга) мурожаат этиш, савол бериш, вазиятга мувофиқлашиши амалларида янглишмаслик учун ёрдам беради.”³⁶

Айнан шу газетанинг феврал ойидаги сонида Маърифат Абдуҳамидованинг “Спорт – ёшлик эликсири” сарлавҳали мақола берилган Ушбу мақола спортнинг баскетбол бўйича мураббийи Шоира Нарзиеванинг фаолиятига бағишланган. Журналист мақоланинг лид қисмида спортнинг танамизга, руҳимизга қанчалик ижобий таъсир қилиши, материал қаҳрамони Шоира Нарзиеванинг “Дўстлик” ордени билан мукофотлангани хусусидаги ахборотни келтирган. У Бухоро вилояти Пешку тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлашва ташкил этиш бўлимида жисмоний тарбия фани ўқитувчи ва мураббийларининг услубшуноси сифатида ёш педагог кадрларга соҳа сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

Журналист Маърифат Абдуҳамидова ана шу фикрларни давом эттирган ҳолда қуйидагиларни таъкидлади:

*“...Чеҳрасида ҳаёт завқи уфуриб турган бу аёл барча оналардек қора кўзларининг умидли эртасини кўриш орзуманди. Фарзандлари дилора ва Учқунжон талабалик масъулияти билан банд бўлишса-да, болаликдан одат тусига кирган кун тартибига амал қилишади. Жисмоний тарбия билан шуғулланганларга омад кулиб боқади. Шоира она бекалик қилаётган хонадон шиори бу...”*³⁷

Материал матнида журналист тасвирий-таъсирчан воситалар, ранг-баранг ифодалардан фойдаланган. Бу муаллифнинг сўз бойлиги имконияти кенглигидан далолатдир.

“... Бир донишманддан ҳаётингиздаги энг қиммат нарса нима деб сўрашганда, танимизга дармон, кўзларимизга нур бағишловчи саломатлигимиз энг қиммат ва омонат бойлигимиздир, дея жавоб берган

³⁶ Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуги. – Т.: Университет, 2006. -115-б.

³⁷ Абдуҳамидова Ш. Спорт – ёшлик эликсири // Гулчеҳралар, 2013. 15 февраль.

экан. Бу бойликни асраб-авайлашда Шоира она Нарзиева каби мураббийларимизнинг меҳнатлари беқиёс.”³⁸

3.2. “Саодат”, “Жаннатмакон”, “Водий гавҳари”,

“Фуқаролик жамияти”, “Ўзбекистон матбуоти”

журналларида хотин-қизлар мавзусини ёритишда маҳорат

Мулоқот киришиш учун журналистдан талаб қилинадиган бирламчи хусусият унинг билимдонлигидир. Журналистик мулоқотнинг асосини билим ташкил этади. Лекин бу мулоқот жараёнида ўзининг қанчалик билимдон эканлигини намоёиш этиш дегани эмас. Балки мулоқотнинг қанчалик самарали бўлиши учун ҳозирлик кўриш, тайёрланиш, унга зарур маълумотларни ўзлаштиришдир. Биринчи навбатда, суҳбатдоши ҳақидаги умумий ва шахсий маълумотларга эга бўлиши, унинг шахс сифатидаги таржимаи ҳоли билан танишиб чиқиши, ижтимоий фаолияти, қолаверса, кизиқишлари, шуғулланадиган машғулотлари, характери, табиати, ҳатто суҳбатлашиш услубигача билиши зарур. Буларни билишдан мақсад суҳбат жараёнида бу ҳақда суҳбатдошни огоҳлантириш ёки уни хабардор қилиш эмас, балки суҳбатнинг қандай кечишини олдиндан таъминлашдир.

Ана шундай жанрдаги материал «Саодат» журнали саҳифаларидан жой олган «Ютуқлар, муаммолар» рукни остида «Издадик, имкон топдик» сарлавҳали суҳбати берилган. Ушбу материалда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Хадича Ибодуллаева билан суҳбат уюштирилган. Суҳбат олдида журналист лид сифатида реципентнинг ҳаётидан олинган бир манзарани баён этади.

«Хадича Ибодуллаева шаҳардан қишлоққа келин бўлиб тушганида, ўчоқбоши, дала орасида чопиб юрган келинчакларни кўриб, эри Шарифбой акага:

³⁸ Абдуҳамидова Ш. Спорт – ёшлик эликсири // Гулчехралар, 2013. 15 февраль.

- Мен бунақа меҳнатга чидамасам керак. Шаҳарга кўчиб кетайлик, э деган эди.

Орадан йиллар ўтди. Шарифбой Ибрагимов замон зайли билан бугун фермер бўлди. Пахта, буғдой эди. Эркабой, Қамариддин, Жалолиддин ўғиллари ота қанотига кирди. Оила келинлар олиб, набиралар кўрди.

- Онаси, энди шаҳарингги кета қоламизми? - ҳазил қилади Шарифбой ака баъзан.

- Тупроқ, майса ҳидига, кенгликларга ўргандим, энди шаҳарга сизгармидим? – дейди Хадича Ибодуллаева»³⁹

Айнан шу парчани ўқиб чикқан ҳар бир ўқувчида суҳбатдошнинг ички кечинмалари, ўз она-Ватанига бўлган муҳаббати яққол кўринади.

Материалнинг асосий қисми – суҳбат ҳақида фикр билдирсак. Суҳбат уч саволдан иборат бўлиб, ҳар бир берилган савол хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги ўрни, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аёл-қизларимизни ўйлантираётган муаммоларга тааллуқли. Саволлар мазмун жиҳатдан мантиқан бир-бирига боғланган ва бир-бирини тўлдирган. Суҳбатдошнинг жавоблари ўқувчига тушунарли ва равон баён этилган. Материалдан олинган қуйидаги парчадан ҳам бунга амин бўламиз:

« - Мустақиллик йилларида аёл-қизларнинг оилада, жамиятда, фарзандлар тарбиясида беқиёс ўрни борлиги, уларни авайлаш кераклиги кўпинча ҳаётбахш ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Туман доирасидаги фаолиятингиз давомида қонунлар ижросига катта аҳамият берасиз, шундай эмасми?

- Мустақиллик йилларида хотин-қизлар масаласи, уларнинг саломатлиги, фарзандлар тарбиясига давлат аҳамиятидаги масалалардан бири деб қаралмоқда. Кейинги йилларда бизга дастуриламал сифатида тақдим қилинаётган ҳужжатларнинг барчасида аёллар ўзларини англаши, ўзларини қадрлаши ва авайлашига даъват бор.

³⁹ Юнусова Қ. Изладик, имкон топдик. //Саодат, 2012. 7-8-сон.

Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз ҳам аёлнинг оила ва жамиятда қадр топишига қаратилган...

- Ҳаётнинг ўзи турли қийинчиликларни бартараф этиш йўлидаги курашдан иборат. Қўмита раисаси сифатида бугун аёлғизларимизни ўйлантираётган муаммолар нималарда деб ўйлайсиз?

- Барча мамлакатларга хос бўлган техниканинг ривожланиши туфайли компьютерлар орқали ёшларимиз онгига мумкин бўлганидан ҳам кўра кўпроқ ахборот кияпти... Темир йўл ҳудудимиздан ўтади, Буюк инанч йўли қайташига тушаётганлиги бир жиҳатдан яхши бўлса, яна бир томондан баъзи муаммоларга сабаб бўлаётир. Баъзи сабрсиз аёл қизларимизнинг иш излаб чет элларга кетаётганлиги орқасида фарзандлар тарбияси оталар, бувиларга қолиб кетяпти. Баъзан уларнинг эътибордан четда қолган фарзандлари муаммо чиқаради. Ёки бўлмаса турли сабабларга кўра ё отаси ёки отагонаси билан вақтинча бирга яшамаётган, тарбияси оғир болалар бизни ноқулай аҳволга солиб қўяди.»⁴⁰

Журналистлар суҳбат жараёнини муваффақиятли чиқишини таъминлаши учун иккита специфик талабни яхши билиши керак. Журналистда ахборотга эга бўлган суҳбатдошни ўзига жалб қила олиш кўникмасининг борлиги бу – биринчи талаб. Иккинчиси, мулоқотга жиддий тайёргарлик кўриш. Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, журналист материалга ноодатий тарзда ёндашган, ўз услубига эгаллиги кўриниб турибди.

Журналист учун жамиятда ижтимоий мақомга эга бўлиш ўта қадрли. Бундан ташқари журналистнинг жамиятдаги мақомини белгиловчи ўзининг қонуниятлари бор. Қачонки журналист ўз касбини мукаммал эгаллаб, ўзлаштиради, ўзини унинг ҳақиқий эгаси деб ҳисобласа, у яна ҳам мураккаброқ фаолият йўли ва услубини танлайди. Шу ўринда журналист суҳбат жараёнида энг кўп қандай хатоларга йўл қўяди? Булар қуйидагилар:

⁴⁰ Юнусова Қ. Изладик, имкон топдик. //Саодат, 2012. 7-8-сон.

кўп савол бериш ва эшитишни билмаслик;
 олдиндан жавобини била туриб савол бериш;
 ҳамма биладиган нарсалар ҳақида сўраш;
 журналистнинг ўзи кўпроқ гапириши;
 суҳбатдошнинг фикрини тез-тез бўлиши;
 ўзини ўта билимдон тутиши;
 кўпинча ёзмаслик;
 берилган саволларда мантиқ, узвийликнинг йўқлиги.

Ана шундай хатолардан бири қуйидаги мисолда яққол кўринади. Журналист томонидан берилган учинчи савол бироз тушунарсиз ва мужмал. Кераксиз ифодалар, жумлалар келтирилган.

«- Кўпинча серташвиш кўринасиз, шошиб юрасиз, ўаҳарга туташ Уллибоғ, Кўна Тўрткўл қишлоқларидан то шаҳаргача икки соатлик йўлда жойлашган «Қизилқум», Кўкча, «Наврўз», Ёнбошқалъа овуллари ҳудудидаги аёллар, оилалар қувончига шериксиз, ташвишлари бир нафас ҳам тинч қўймаслиги аниқ. «Енгилмайдиган ёв йўқ, олинмайдиган дов йўқ» деган мақол бор қорақалпоқларда.»⁴¹. Бизнингча, бу саволда мақол ноўрин келтирилган. «Кўпинча серташвиш кўринасиз, шошиб юрасиз» жумласи мантиқан нотўғри. Чунки ижтимоий фаол аёлнинг ташвиши кўплиги, шошиб юриши табиий ҳол.

Демак, мулоқотнинг психологик ўзига хосликларини билиш, журналистнинг ўз ишининг устаси ҳамда суҳбатга тайёрлик савиясини кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

«Саодат» саҳифаларини кўздан кечирар эканмиз, суҳбат жанрига оид материаллар журналнинг барча сонларида учрайди. «Ўқитувчи халқ яратади» сарлавҳали материал берилган. Аввало, суҳбатнинг сарлавҳасига эътибор берган ҳолда, бир савол пайдо бўлади. «Ўқитувчини халқ яратади»ми ёки «Ўқитувчи халқни яратади»ми? Бундан кўриниб турибдики, сарлавҳанинг

⁴¹ Юнусова Қ.. Изладик, имкон топдик //Саодат, 2012. 7-8-сон.

ўзидаёқ мужмаллик, ғализлик мавжуд. Мантиқан ёндашганда «ўқитувчи халқни яратади». «Сарлавҳа – ярим мақола» деб бежизга айтилмайди.

Суҳбат Навоий вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлғи Меҳринисо Пардаева билан бўлиб ўтган. «Саодат» журналидаги материалларни, хусусан, суҳбат жанридаги материалларни кузатар эканмиз, ҳар бир суҳбат бошланишидан аввал суҳбадошнинг шахсий ҳаётига оид маълумотлар берилган. Аммо бу ноодатий тарздаги суҳбатларни «Саодат» журнаliga ўхшаш нашрларда, масалан, «Водий гавҳари» журнали, «Гулчехралар» газеталарида учратмаймиз. Бу ҳам «Саодат» журналининг ўзига хос хусусиятига, услубига эғалигидан далолатдир.

«Оилали, уч нафар фарзанди бор. Бўш вақтларида оиҳона ишлари ва бичишгтикии юмушлари билан банд бўлишни ёқтиради.

Ҳаётдаги шиори: - Илми зўр мингни енгади.»⁴²

Суҳбатнинг ҳар бир савол, иккинчисига мантиқий боғланиши талаб этиладиган аниқ тузилиши бор. Саволлар суҳбатнинг мавзуси, муҳити, муҳокама этиладиган муаммосидан келиб чиқиб белгиланади. Айнан шу тамойиллар бу суҳбатда ўз ўрнини топган. Журналист:

« -Меҳринисо Дониёровна, кейинги йилларда вилоятимиз халқ таълими тизимида фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида олиб борилаётган ишлар кўлами кенгаймоқда. Суҳбатимиз аввалида шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз, дегандик...

- «Обод турмуш йили» дея ном олган 2013 йилнинг дастлабки чораги ўтиб бормоқда. Вилоят ХТБнинг ушбу йўналишидаги фаолияти хусусида тўхталиб ўтсангиз...

- Муҳтарам Президентимизнинг 2012 йил 12 декабрда чиқарган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чорагадбирлари тўғрисида»ги Қарори халқ таълими тизимида қандай акс-садо берди?

- Мамлакатимиз миқёсидаги устоз ижодкор ва забардаст педагог Турсуной Содиқованинг «Мураббий ким?» номли китобида шундай жумлалар

⁴² Умарова С. Ўқитувчи халқ яратади. // Саодат, 2013. 2-сон.

бор. «...Ҳақиқий мураббий бўламан десангиз, бировга бир нарсани ўргатишни астойдил хоҳланг ва сиздан илм олувчига муҳаббат қўйинг! Ҳар бир ишингизга бемор боласига парвона бўлаётган онадай берилиб, фидойилик билан тутининг. Бунинг отини ИХЛОС дейдилар! Шу иштиёқ сизда қанча кучли бўлса, Тангри сизга шунча кўп уқув беради, мушкулингизни осонлаштиради.» Ана шундай ихлос эгалари вилоятимиз устозлари сафида ҳам кўплаб топилади...

- Сиз нафақат вилояти миқёсидаги раҳбар, она ва бекаси, масъулиятли иш ва рўзгор ташвиши биргбирига халақит бермайдими?»⁴³ каби саволлар билан мурожаат қилган. Эътибор берсангиз, саволлар мантикий изчилликда, фактик материаллардан унумли ва ўз ўрнида фойланган ҳолда берилган. Аммо бир нарсани таъкидлаш керакки, айрим саволларда лўндалик ва қисқалик етишмаяпти. Журналист суҳбатдошидан кўра кўпроқ ўзи сўзлаган.

Матбуот интервьюси журналистдан касбий маҳорат, ёзувчилик, ижодкорлик, мавзу ҳамда суҳбатдош танлай билиш шаклда ва мазмунда бўлиши лозим.

Суҳбат якуний қисмидаги охирги саволга суҳбатдошимиз тўғри ва аниқ жавоб берган. Лекин шу билан биргаликда биринчи саволга оид бўлган фикрларини ҳам кўришимиз мумкин. Албатта, бу ўринда журналист бунга ё беъэтибор бўлган, ёки материалларни қайта кўриб чиқмаган:

«... Бир оддий ўзбек аёли ўз оиласида нимаики иш қилса, мен ҳам шуни қиламан. Бунинг учун тунлардан ҳам самарали фойдаланман, уларни тўрт бўлиб уй ишига ҳам, фаолиятимга ҳам сарфлайман. Ҳатто кенжасойимга кийимлар тикиб беришининг ҳам уйдасидан чиқаман.

Яқинда мазкур соҳага доир яна бир хушхабарни эшитиб қолдик. 2012 йилги фаолият натижаларига кўра «Ўзбекистон маданияти ва санъати» Форуми жамғармаси томнидан эълон қилинган «Педагогик грант»

⁴³ Умарова С. Ўқитувчи халқ яратади. // Саодат, 2013. 2-сон.

дастурида қатнашган ўқитувчилардан 8 нафари золиб бўлиб, вилоят ХТБси бу борада ҳам республикада 1-ўринни эгаллабди...».⁴⁴

Журналист суҳбат олиб борар экан, албатта суҳбатдошини диққат билан тинглаши, иложи бўлса, ҳатто диктафонга ёзаётган бўлса ҳам конспект қилиши керак. Ана шундагина журналист юқоридаги каби хатоларга йўл қўймайди. «Умуман олганда, матбуот интервьюларини такрор ва такрор қайта ишлаб, ихчам, содда ва тушунарли шаклга келтириш ҳар бир матбуотчи журналистнинг вазифасидир. Шу жиҳатдан, интервьюнинг бу тарзда эълон қилиниши унинг муаллифи саводининг юқори эмаслиги, газета масъул муҳаррирларининг эса малакасизлиги ёки эътиборсизлиги натижасидир»⁴⁵. Зеро, суҳбатнинг самарали кечиши журналистнинг маҳоратига боғлиқ.

“Саодат” журналида эълон қилинган Салима Умарованинг “Бир қўлида эгалик, бир қўлида бекалик...”⁴⁶ номли мақоласи хотин-қизлар мавзусида ёзилган энг яхши мақолалардан ҳисобланади. Унда навоийлик тадбиркор Шафоат Нуруллаеванинг меҳнат фаолияти, оилавий ҳаёти ҳамда жамоатчилик ишларидаги фаоллиги кенг очиб берилган. Бу аёл кичик транспорт корхонси ташкил этиб, йўловчиларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Унинг қуйидаги фикрлари ўқувчи эътиборини жалб этиши аниқ: *“Мен ўн нафар ишчига иш берсам, ўнта оилага хотиржамлик киради. Қозони қайнайди, болаларининг эғни бут, кўнгилларига орзу-ҳавас сигади. Яна бир тадбиркор ўнта ишчини иш билан таъминласа, шу тарзда жамиятда ўзига хос мувозанат юзага келади”*⁴⁷.

Кўриниб турибдики, хотин-қизлар ижтимоий фаоллигининг сезиларли даражада ошганини тасдиқловчи фактлар жуда ҳам кўп. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида бу йўналишда жуда катта ишлар қилинди. Аммо бу мавзунини матбуотда ёритишда маълум камчиликларга ҳам йўл

⁴⁴ Умарова С. Ўқитувчи халқ яратади. // Саодат, 2013. 2-сон.

⁴⁵ Эрик Фихтилиус. Журналистиканинг ўн қондаси. –Т.: Шарқ, 2002. -108- б.

⁴⁶ Умарова С. Бир қўлида эгалик, бир қўлида бекалик //Саодат, 2012. 2-сон.

⁴⁷ Умарова С. Бир қўлида эгалик, бир қўлида бекалик //Саодат, 2012. 2-сон

қўйилаётганини сезиш қийин эмас. Бизнингча, хотин-қизлар мавзусига доир материалларда кўпроқ статистик маълумотларни келтириш устиворлик қилади. Аёлларнинг жамиятнинг маънавий ҳаётидаги иштирокига кам эътибор берилади.

Кузатишимиз натижасида шунга амин бўлдикки, “Саодат” журналида суҳбат-интервью жанрида ёзилган материаллар бошқа жанрларга нисбатан кўпроқ. Бунинг боиси, суҳбат чоғи очерк ёки лавҳа қаҳрамонининг ички дунёси анча кенг очилади, журналхонда аниқ тасаввур пайдо бўлади. Иккинчидан, масалан, очерк қаҳрамони журналистнинг саволларига жавоб қайтарар экан, воқеа-ҳодисаларга, жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга ўз муносабатини аниқ билдиради. Бу эса, табиийки, материалнинг таъсирчанлигини оширади.

Шу боисданми, кўпгина интервьюлар суҳбат-монолог тарзида берилган. Мутахассислар таъкидлаганидек, бундай усул ҳаётдаги бирорта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа ёки бирор муаммони ёритишда жуда қўл келади⁴⁸. Чунончи, журналда эълон қилинган “Хонадон чироғи”⁴⁹ интервьюси фикримизга мисол бўла олади.

Интервью Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муносабати билан тайёрланган.

Мазкур интервьюда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова журналистнинг бир қадар оригинал, бошқа суҳбатларда бериладиган анъанавий саволлардан анча фарқ қиладиган сўроқларига эркин ва ишонарли тарзда жавоб қайтаради. Буни қуйидаги иқтибосдан ҳам билса бўлади. *“Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фақат фаол аёллар билан эмас, ҳар бир оила, хонадондаги муҳит билан яқиндан танишишига, уларнинг таълими ва қувончларидан хабардор бўлишига, халқчил*

⁴⁸ Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. -Т.:Тафаккур, 2010.- 159-б.

⁴⁹ Раҳимбоева Қ. Хонадон чироғи //Саодат, 2012. 5-6 сон.

бир жамоат ташиклоти сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда жойларда фаолият олиб бораётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар маҳалла шифокорлари билан биргаликда оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, аёллар ва болалар спортини ривожлантириш, опа-сингилларимизнинг иқтисодий, сиёсий билимларини ошириш, фарзандларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусида тарбиялаш, айниқса, ёш қизларимизнинг саломатлигини ҳар тиомонлама яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар»⁵⁰

Журналист интервью сўнгиди суҳбатдошининг қуйидаги таъсирчан сўзларини келтиради: “Ўз тақдирим мисолида айтадиган бўлсам, шу қизғин фаолият мени она шахрим Фарғонадан Тошкентга олиб келди. Мустақил юрт фарзанди сифатида хорижий мамлакатларга бордим, бошқа мамлакатлар хотин-қизлари ҳаёти билан танишдим. Ўзимизнинг шахру қишлоқларимиздаги фидойи аёллар ҳаёти билан уларни қиёсладим. Катта-катта ташкилотларни, фермер хўжаликларини бошқараётган моҳир тадбиркор опа-сингилларимиз истиқлол даврида улғайди, қадрини англади ва ёрқин шахслар сифатида жамият майдонига чиқишди ва улар бугунги давр аёлининг асл қиёфасини яратишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар”⁵¹

«Саодат» журнали саҳифаларидан ижтимоий фаол аёллар мавзусига оид нафақат суҳбат жанридаги материаллар, балки таҳлилий жанрдаги материаллар ҳам берилган. Журнал саҳифасидан жой олган бу материал «Беканинг иши бежоғлик» сарлавҳаси остида берилган. Ушбу очеркда журналист қаҳрамоннинг ижтимоий фаолиятдаги ўрни, хусусан, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича фактик маълумотлар батафсил баён қилинган. Материал матнида журналист тасвирий-таъсирчан воситалар, ранг-баранг ифодалардан фойдаланган.

⁵⁰ Раҳимбоева Қ. Хонадон чироғи//Саодат, 2012. 5-6 сон.

⁵¹ Раҳимбоева Қ. Хонадон чироғи//Саодат, 2012. 5-6 сон.

«- Шу атрофдан ўтиб кетаётган эдим. Бир кўнгил сўраб қўяй дедим, э тарзидаги гапни қилади. Ё оила бекасининг сўк оишисими, тандир нониними мақтайди. Бир пиёла чой устида бу хонадондаги кўнглини безовта қилаётган муаммони аниқ билиб олади. Ишхонасига келгач, фаоллар, кўчабошилар, посбонлар билан бирга муаммога ечим излайди...

Маслаҳатчи бош-қош бўлгач, Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими билан Япония халқаро ҳамкорлик ташкилотининг Урганч гуруҳи билан биргаликда «Хотин-қизларнинг томорқаларида сабзавот етиштиришини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси бўйича 25 нафар аёлга «Микрокредитбанк»дан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида кредит берилди.

Тўй-ҳашамларни ихчам ўтказиш, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимояси... Гулистон Аралбоева маслаҳатчи зиммасидаги бирор вазифани эътиборсиз ҳолдирмайди... »⁵².

Материалдаги «Маслаҳатчи минбари» рукни остида эълон қилинган. Аммо материал рукн номига мос келмайди. Бизнингча, журналист қаҳрамоннинг ижтимоий фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, унинг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатлари, тавсиялари берилиши керак эди.

Хотин-қизларнинг таълим олиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши ва илмий салоҳиятини ўстириши учун шароит яратиш давлат томонидан кафолатланган. Асосийси, миллий қонунчилигимизда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўз аксини топган.

“Саодат” журналининг 5-6-сонларида мана шу масалаларни ўзида акс эттирган материаллар берилган. Ана шундан материаллардан Қутлибеканинг “Миллат онага қараб қад ростлайди” сарлавҳали интервьюсидир. Мазкур интервьюда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси, “Меҳнат шуҳрати”

⁵² Мирзабоева Ф. Беканинг иши бежолик //Саодат, 2012. 7-8-сон.

ордени соҳибаси Светлана Ортиқова журналистнинг бир қадар оригинал, бошқа суҳбатларда бериладиган анъанавий саволлардан анча фарқ қиладиган сўроқларига эркин ва ишонарли тарзда жавоб қайтаради:

“... – Аёлнинг бирламчи вазифаси оналик, бекалик. Бу ҳам табиат қонуни. Ҳаддан зиёд ижтимоий фаоллик азал яралмишда унинг олдида қўйилган бурчларни тўлақонли бажаришига халақит бермасмикан?

- Биз – ўзбекларда “Икки тош орасида”, деган ибора бор. Бошимиздан ўтказган барча давларни эсланг: ҳеч қачон осон яшамаганмиз. Тизиз пайтда самарали иш қилишга ўрганганмиз. Бундан ташқари, бизда аёлларимиз қайси касбда фаолият олиб бормасин, одамлар орасида яшайди, эл ичида меҳнат қилади. Ҳамиша тўрт тарафида ёши улуг кишиларнинг “кўз”ини ҳис қилади...

- **Светлана Боймирзаевна, жойларда ҳар бир қабул қилинган қонуннинг ижроси билан боғлиқ назорат-таҳлил ишларини амалга оширасизлар. Таҳлил жараёнида нуқсонлар юзага чиқяпти?**

- Мен бу нуқсон, камчиликларни юзага келишига сабабчи бўлган одамларни уч тоифага бўламан:

Ўзига тегишли, касби, фаолиятига тегишли бўлган қонун билан қизиқмаганлар, қонунни ўрганмаганлар;

Ўзига тегишли, касби, фаолиятига тегишли бўлган қонунлар моҳиятини билиб турса ҳам, амал қилмайдиганлар;

Ўзига тегишли, касби, фаолиятига доир қонунларни билади, моҳиятини англайди, лекин уларни суистеъмол қилади, шахсий гараз мақсади, манфаати йқлида фойдаланади.

Биринчи, иккинчи тоифа одамларни қонунни ҳурмат қилишга, бажаришга ўргатса бўлади, лекин учинчи тоифа билан курашиш керак муросасизлик керак.

- **Қайси анъаналаримиз оилаларда ҳуқуқий маданият юксалишига ёрдам беради?**

- *Ҳалоллик, тўғрилиқ, покизаликка ўргатадиган чиройли одатларимиз кўп.*

*Сутга сув қўшма, дейилади. Бу гапни фақат моддий маънода қабул қилмаслик керак. Безубор нарсаларга ёлгон аралаштириш гуноҳ, дегани бу. Бунинг замирида покликка ифлослик аралаштира, тарзидаги ибрат бор...*⁵³

Журналист саволларни тузишда мантикий изчилликка эътибор берган. Респондентнинг жавоблари ҳам ўқувчига тушунарли, тез фаҳмлай оладиган ва содда қилиб етказилган. Айрим ўринларда халқ ибораларидан унумли фойдаланилган.

Журналист интервью сўнгида суҳбатдошининг қуйидаги таъсирчан сўзларини келтиради:

*“...Омонатга хиёнат қилма, дейилади. Фақат бировларнинг буюми эмас, виждонинг, соғлигинг, фарзандларинг ҳам сенга – омонат. Истеъдодинг – омонат. Уларга хиёнат қилмасанг, асрасанг, ҳалол меҳнат билан соҳлом яшашга интилсанг, шу ҳаракатларинг сени соғлом муҳит доирасида ушлаб туради. Ҳуқуқий маданият дегандаўта сиёсий бир тушунчани тасаввур этмаслик керак. Тўғри, ҳалол яшаиш қоидаларини ўзлаштириш дегани бу. Ўз юртинг қонунларини ҳурмат қилиш, уларга амал қилиш дегани бу...*⁵⁴

Албатта, бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, журналист интервью жараёнида журналистикага оид қонун-қоидалар ва меъёрларга амал қилишдан ташқари, касбий одоб-ахлоқ меъёрларига ҳам риоя этиши, суҳбатдоши давлат арбоби, тадбиркор ёки оддий бир киши бўлишидан катъий назар бирдек ҳурматни ифодалаши, унга, унинг фикрига ҳамиша эътиборли бўлиши, сергаплик каби қусурлардан ҳоли интервью тайёрлаши лозим. Материал сифатини оширишда журналист кадрларни ихтисослаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, шундай йўлга

⁵³ Қутлибека. Миллат онага қараб қад ростлайди. // Саодат, 2012. 5-6-сонлар.

⁵⁴ Қутлибека. Миллат онага қараб қад ростлайди. // Саодат, 2012. 5-6-сонлар.

кўйилса, интервьюер респондентдан эмас, балки мутахассисдан интервью олади.

«Водий гавҳари» журнали ҳам ижтимоий фаол аёлларимиз фаолияти билан яқиндан таништиради. «Водий гавҳари» ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал бўлиб, 2011 йилнинг апрель ойидан бошлаб чоп этила бошлади. Бош муҳаррир Гавҳар Ҳасанова. Журнал саҳифаларида аёлларимизнинг истиқлол шароитида турли соҳаларда эришаётган ютуқлари тўғрисидаги мақола, очерк, эссе, суҳбат ва бошқалар мунтазам равишда эълон қилинмоқда. У ўзида «Давр мавзуси», «Водийча ҳаёт фалсафаси», «Водийча шижоат», «Водийча тарбия» каби рукнларини тўплаган.

«Водийча ҳаёт фалсафаси» рукни остида «Қайнотам қолдирган «давлат» сарлавҳали интервью берилган. Ушбу материалнинг қаҳрамони 68 ёшли тадбиркор Марҳабохон Тожиматова. Интервью ўзига хос тарзда берилган. Бунда журналист маълум бир саволлар билан мурожаат қилган, аммо реципиентнинг жавобидан келиб чиқиб, саволларнинг ўрнига мавзучалар қўйилган:

«Онамдан эшитганларим:

Онам, Оминахон Қурбонова 1912 йилда таваллуд топган, уй бекаси, жуда содда аёл бўлган...

Онамнинг айтишича, айни иш қизгин пайти даланинг ўртасида (икки дона катта тишим ҳам бор экан) тугилганим учун ҳамма томошага йиғилган. Маҳалладаги Абдуқодир ака деган одам оғзимдаги тишимни кўриб, Оминахон ўғил тугибди, деб қйлаб ҳаммадан суюнчи йиққан. Бу воқеани эшитиб онам роса йиғлаган, ахир қиз туққангда. Шунда энам қизини юпатиб, кўрасан бу қизинг «ўғил бола қиз» бўлади, ката бўлса «Райкўм» бўлади, деган. Бу 1944 йилдаги гап. Ақлимни таниб гап уқадиган бўлиб қолганимда ўзимга ҳам «Сен Райком бўласан» деб кўп гапиришарди. «Демак, райком бўлишим керак экангда...» деган фикрда мен ҳам ана шу – ояга интилиб яшай бошлаганман.»⁵⁵

⁵⁵ Шукрона. Қайнотам қолдирган «давлат». //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

Бундан кўриб турибдики, журналист интервьюни анъанавийликдан ноодатийликка қараб йўналтирган. Интервьюнинг қолган мавзучаларини ҳам кўриб чиқсак.

«Ширин хотиралар.

Мактабда аъло баҳога ўқидим. Мактабимизда ўқувчилар ижросида турли спектакллар сахналаштириларди. Мен фаол иштирокчиларидан бири бўлганман...

Қайнотам ўақида алоҳида тўхталмоқчиман.

Ҳар бир ишини қайнотам (Мадаминжон Баҳромов тилло инсон бўлган) билан маслаҳатлашгач, кейин бошлардим. Бу баъзиларга эриш туюларди. Қиз узатиб, ёшингиз бир жойга бориб қолаётган бўлса ҳам, қайнотангиздан рухсат сўрайсизми? – дейишарди...

Ҳаёт зарбалари.

Мендан катта опам 34 ёшида юрак хуружидан оламдан ўтди. Ўлиmidан аввал «Болаларимга кўз-қулоқ бўлгин. Дадаси ёш, уйланади... Фарзанд кўрса, менинг болаларим ажралиб қолмасин...» деб васият қилиб кетди...

Катта опамнинг хўжайини поччам бўлса, 41 ёшида тарки дунё қилди. У ҳам умрининг сўнггида «Опангизнинг қўлидан ҳеч иш келмайди. Унга тиргак бўлинг, ёрдам беринг, мендан кейин қийналиб қолмасин...» деди...

... Чўлпоной Турғунова деган аёл бизнинг уйимизда яшарди... 21 ёшида бева қолган бу аёлнинг яқинлари бўлмагани боис, бирга яшашликни таклиф қилгандим... Хуллас, тақдир менинг иродам ва бардошимни синовга қўйди. Мен энди нафақат ўзим ва оилам учун, балки икки опамнинг фарзандлари келажаги учун ҳам, уйимдаги ёлғиз аёл учун ҳам қаттиқ меҳнат қилишим керак эди...

Фарзандларим ва англаганларим.

Уч нафар фарзандим, 10 нафар набирам, 3 нафар чеварам бор. Соддадил, ишонувчан, баодоб, тўғрисўз бўлиб вояга етишган... Яна ҳаётдан

олган ҳақиқатим: пулдор бўламан деб эмас, кўнгил оламан, деб яшаш керак. Кўнгил э ҳар қандай мулкнинг султони...

Холис ва эзгу ниятларим.

Бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган юртда ҳеч қаерда ўхшаши бўлмаган ёдгорлик қуриш учун дунё архитекторларига танлов эълон қилинса. Дунё аҳли ўша жойни кўргани келса, деб орзу қиламан... Юртбошимизни ҳар куни алоҳида дуо қиламан. Тошкентни Андижонга яқин қилган чиройли йўллар учун, чиройли бинолар, боғлар, маънавият ўчоқлари бунёд этишига қилинаётган ҳаркатлар, қурилишлар учун раҳмат... »⁵⁶

Интервьюда материал қахрамонининг турли ёшдаги ранг-баранг фотосуратлари берилган. Шунини таъкидлаш лозимки, бу фотосуратлар интервьюда ўз ўрнида ва унумли қўлланилган. Материални тўлдирган ҳамда бойитган.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, фотосуратлар ҳам матбуот нашрларининг юраги ҳисобланади. Биргина сурат ҳамда тагсўз орқали каттагина информацияни бериш мумкин. Ўйлаб кўринг, узундан-уzun мақолани ўқиш ўқувчи учун мароқлими ёки чиройли ҳамда маҳорат билан олинган ўшандай ахборотни берувчи суратними?

Андижонда нашр этилаётган “Водий гавҳари” журналида истиқлол шарофати билан халқ хўжалигининг турли соҳаларида юксак натижаларга эришаётган ижтимоий фаол аёллар ҳақида ҳикоя қилинади⁵⁷.

Журналнинг «Водийча шижоат» рукнида республикамизда, айниқса, водийда ўзининг заҳматли меҳнати, шижоати билан довруғ қозонган фаол аёлларимиздан бири фермер Соҳибахон Худойбердиева ҳақида ҳам портрет-очерк чоп этилган. Муаллиф Зумрадхон Абдуллаеванинг «Қалбдаги ёлқин» сарлавҳали материали айнан шу аёлнинг ижтимоий фаолиятига бағишланган.

⁵⁶ Шукрона. Қайнотам қолдирган «давлат» //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

⁵⁷ Водий гавҳари, 2012, 12-сон.

Журналист материалнинг бошланишидан аввал унга лид – изох сифатида қаҳрамоннинг фермерлик фаолиятига бир чизги сифатидаги фикрлари берилган:

«Қалбидаги шиддат-шижоат ташилаган акс этиб турадиган Соҳибахон ўзгўзидан фермер бўлиб қолгани йўқ. Эсини таниб-танимаёқ бўйи билан баробар келадиган кетмонни елкалаб далага чиққан. Нонуштада, тушликда. Оқшомги дастурхон атрофидаги суҳбатларда эшитгани деҳқончилик таъвиши бўлди. Шу таъвиш билан улғайди»⁵⁸

Очерк ўз ўрнида кичик мавзучаларга бўлинган: *«Пахта дилига жо бўлиб кетган»*, *«Фермерлик кони фойда»*. Журналист материални беришда ўзига хосликка, ноадатийликка эришган. Унинг дизайни ҳамда безаклари мавзуни ёритишда ёрдам берган. Ҳар бир фотосурат берилаётган маълумотларни тўлдирган. Зеро, газета ёки журнални қўлга олган ҳар қандай ўқувчи биринчи навбатда, саҳифалардаги суратларга кўз югуртиради. Масалан, қаҳрамоннинг фермерлик фаолиятига қўйган илк қадамлари, турмуш курганидан кейин фермерлик фаолиятига оид фотосуратлар бунга яққол мисол бўла олади.

«...Бироқ далага бўлагн меҳри, ҳатто паҳтанинг заҳматли меҳнати ҳам ота-бобоси улуглаган она ер билан тиллашиб ишлашдан уни айро қилолмади...Дастлабки йилги қийинчиликлар, табиатнинг инжиқликлари олдида эсанкирамади. Чунки атрофидагидала илмининг миришкорларига, қолаверса, турмуш ўртоғи Ғуломжон аканинг таскину мададига таянди...»⁵⁹

Материални ўқир экансиз, матнда ўеч қандай такрорий, шевага оид сўзларни учратмайсиз. Бу ҳам журналистнинг сўз бойлиги, матний маҳоратга эгалигидан далолатдир.

«Далани сева билсанг, далада ишлайдиганларни қадрлай билсанг, юрагига йўл топа олсанг – ишинг осон кўчади...

⁵⁸ Абдуллаева З. Қалбдаги ёлқин. //Водий гавҳари, 2012. 3-сон.

⁵⁹ Абдуллаева З. Қалбдаги ёлқин.//Водий гавҳари, 2012. 3-сон.

Табиат шоиру санъаткорга ноёб истеъдод ато этганидек, бизнинг Соҳибахонга чаққонлик, туганмас –айрат, шижоат улашганди. Унинг чигит экиш мавсумидаги ҳаяжонини, ниҳоллар бодраб чиққандаги шодлигини, бемаҳалда қуйиб берган жаладан ташвишланган ҳолатини, сувсизликдан қақраган ниҳолларга ҳовучлаб кафтида сув тутишига тайёр турган дақиқаларини, гўзани вояга етказгунча кечирган серташвиш, изтиробли ва қувончли онларини тасаввур қиламан...»⁶⁰

Ўқувчига бирор ахборот узатилар экан, албатта, фактлардан фойдаланилади. Фактик материаллардан фойдаланишда сана, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлигига, холислигига, объективлигига эътибор бериш лозим. Муаллиф бу материалида фактик маълумотлардан унумли ва ўз ўрнида фойдаланган:

« ... 1999 йили тендерда қатнашиб, 11 гектар ер эгаси бўлди...

... Фермер хўжалигида 25 нафар аёл, 8 нафар эркакэрта баҳордан кеч кузгача меҳнат қилишади. Аҳиллик ва уюшқоқлик билан иш юритиши натижасида ўтган йили галла ва пахта тайёрлаш шартномавий режаларини барвақт бажаришди. Галладан миллион сўм соф даромад олишди... »⁶¹.

Лавҳада замондошларимиз ҳаётидан олинган турли, бир қарашда оддий воқеалар журналхон кўз ўнгида бадий, таъсирчан воситалар орқали жонлантирилади ва маълум тасаввур ҳосил қилади.

Журналист қайси жанрда материал тайёрламасин, айниқса, интервью, суҳбат, очерк бўладими, у албатта, суҳбатдоши (қаҳрамони)нинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, характери ва асосийси, у фаолият юритаётган соҳани мукамал билмоғи лозим. Иқтисодчи билан иқтисодчидек, сиёсатчи билан сиёсатчидек муносабатда бўлиши керак. Шу билан бирга, шу соҳанинг терминларини пухта билиши шарт. Кўриниб турибдики, муаллиф материални тайёрлашда қаҳрамон фаолиятига оид соҳани яхши билиши,

⁶⁰ Абдуллаева З. Қалбдаги ёлқин.//Водий гавҳари, 2012. 3-сон.

⁶¹ Абдуллаева З. Қалбдаги ёлқин.//Водий гавҳари, 2012. 3-сон.

фермерлик соҳасига оид атамаларни ўз ўрнида қўллай билиши яққол намоён бўлган.

Ушбу икки ёки кўп томонлама алоқа журналистга катта масъулият юклаганлиги боис интервьюер суҳбат олдида ёзиб олинганда ҳам, бевосита эфирга узатилаётганда ҳам ҳар қандай вазиятга тайёр туриши, интервью олдида респондент билан мавзуни муҳокама қилиб олиши, ҳатто савол-жавоблар жараёнида суҳбатдошининг кайфиятини англай олувчи ва шунга кўра у билан муваффақиятли интервью олиб боровчи руҳшунос бўлиши кераклигини касб қонуниятлари қатори давр ҳам талаб этапти.

«Водий гавҳари» журналида «Водий аёли» рукнида “Андижоннинг Шоираси” сарлавҳали материал берилган. Бу материал шакли ва услубига кўра суҳбатга ўхшайди. Лекин суҳбат жанридаги материал, биламизки, мухбирнинг суҳбатлашилаётган масаланинг моҳиятини илғаб олиши ва суҳбат оқимини шунга қараб бошқариши, мавзуни иложи борида кенгрок ва чуқуррок очиб бошқариши лозим бўлади. “Водий гавҳари” журналидан доимий жой олиб келаётган бу хилдаги суҳбатларда жамиятимиз ҳаётининг барча муҳим соҳаларида олиб борилаётган ижтимоий фаол аёлларнинг ишлари, илмий изланишлари, ижодий янгиликлари, ҳал қилиниши лозим бўлган масала ва муаммолари ўз ифодасини топмоқда.

Материалнинг бошланиш қисмида шоир Иқбол Мирзонинг қуйидаги сатрлари берилган:

“Бибихоним ўзинг, меъмор ҳам ўзинг,

Бешик қучоқлаган бедор ҳам ўзинг.

Моҳларойим, Қутлугнигор ҳам ўзинг,

Бошида саодат, пойида иқбол – АЁЛ!”⁶²

Суҳбат қаҳрамони Исроилова Шоирахон – тадбиркор. Муаллиф материалда суҳбатдошнинг туғилган санаси, маълумоти, мукофотлари, оиласи ҳақидаги маълумотларни анкета сифатида беради. Анкета

⁶² Шаъбона Нур. Андижоннинг Шоираси //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

маълумотларидан сўнг муаллифнинг саҳифа қаҳрамони ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билдирилган:

“Мухбир:

Шоирахон билан иш ва оила мавзуларида узоқ суҳбатлашдик. Натижада, “Ақл ёшда эмас, бошда” деган нақл айни ҳақиқат гап эканлигига яна бир карра ишондим. Ёшлик ишжосоти, аёллик матонати, ақлу заковати, меҳнатда тобланган қалби, вужуди билан фақат олдинга интилиб яшаётган бу қаҳрамонимиз сўзларини сизнинг эътиборингиз учун айнан келтирдик.”⁶³

Журналист қаҳрамоннинг таърифини шундай назокат билан келтирганки, юқоридаги парчани ўқиб, қаҳрамоннинг сийрати-ю сурати кўз олдингизда яққол намоён бўлади.

“Шоирахон Исроилова:

... Асли мутахассислигим – иқтисодчи референд таржимон. Энди тадбиркорлик фаолиятимга боғлиқлик жойига келсак, айнан иқтисод борасида олган билимларим фойда беряпти. Сабаби, корхонадаги барча ҳисоб-китоб ишлари назорати менинг зиммамда. Қайсидир маънода мутахассислигим қўл келяпти. Тадбиркорлик билан шуғулланишимнинг яна бир асосий сабаби бор. Оилада ёлғиз фарзандман. Дадам, ички ишлар тизимида узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққанидан сўнг, 1993 йили “Шоирабону -78” хусусий фирмасини ташиқил қилди. Умри ва ишининг давомчиси ёлғизгина қизи бўлганлиги учун ҳам, менга ўзлаштиришга осон бўлсин, деб тикувчилик йўналишини танлаган. 2000 йили шу фирмага иш юритувчи бўлиб ишга кирдим. 2004 йили корхонага раҳбар этиб тайинландим...

...Ҳаракатларимиз натижаларини таҳлил қиларканман, фикрим теранлашади. Тадбиркорлик бир киши ёки бир оила бажариб урдасидан чиқиб кетаверадиган иш эмас экан. Агар биз каби тадбиркорларга ҳукуматимиз томнидан кенг имкониятлар яратилмаса, имтиёзлар

⁶³ Шаъбона Нур. Андижоннинг Шоираси //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

берилмаса, кредитлар ажратилмаса...умуманқилаётган сайъ-ҳаракатингиз қўлаб-қувватланмаса, мақсадга тўқис эришиб бўлармиди?!...

...Оила ҳақида гапирадиган бўлсам, биринчи галда қайнонам олдидаги келинлик вазифаларимни ўз вақтида адо эта олмаётганим учун узримни айтиб олсам, кўнглим таскинланарди. Сабаби қайнонам, жуда ажойиб, меҳрибон ... ўз онамдек кўраман...

*...Эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниб, ҳурмат қилиб, аҳилликда яшаши натижасидагина оила мустаҳкамланади, деб ўйлайман. Кўпроқ иқтисодий тангликдан келишмовчиликлар келиб чиқади. Аслида эса ҳар қандай оила харажатларини режаслаштириб, бир меъёрга солса бўлади..*⁶⁴

Журналист суҳбатни ноанъанавий тарзда олиб борган. Булардан ташқари, материални беришда унинг дизайни, хусусан, фотосуратларга ҳам эътибор берган. Албатта, бу ўринда журналист тўғридан-тўғри материал дизайни билан шуғулланмайди, лекин бу борада у етарлича билим ва малакага эга бўлмоғи лозим.

“... Албатта, оилада ҳам, ишда ҳам яқин кўмакчим – “хўжайиним” Рустам ака доим ёнимда. Агар у кишининг розилиги ва эътибори бўлмаганида, ким билади, дадамнинг орзулари қай даражада амалга ошар эди?! Атрофимдаги меҳрибонларимнинг мадад-тарбияси шарофатидан бугун мана шундай ютуқларга эришяпман. Корхонада ишлаётган қиз-жувонларнинг жонбозлик кўрсатиб келаётган меҳнатларини кўриб янада қувонаман. Улар мени ҳеч ёлғизлатишмайди. Бири опам, бири синглим каби қалбимга яқин. Дамира Нугмонхажоева, Шоирахон Қодирова каби ёнимга ёндош, ҳамфикр, меҳнаткаш, ораста, оқила қизлар даврасига доим интиламан. Улар менинг “ёлғиз қиз” деган бўшлиқ жойимни тўлдиришади гўё...

Баҳодиржон Исроилов (дадаси):

⁶⁴ Шаъбона Нур. Андижоннинг Шоираси //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

“Шоирабону-78” хусусий фирмасини ташиқил қилганимда қизим 15 ёшда эди. Мустақил ҳаётга қадамларини мана шу фирмадаги фаолиятдан бошлайди, деб ният қилгандим. Уқувли, меҳнаткаш, зийрак қиз эди ўзи ёшлигидан. Ҳозир эса менинг ишончларимни оқлаяпти, орзуларимни рўёбга чиқараяпти. Ниятларим холис, ҳавасларим чин бўланидан хурсандман...

Муқаддамхон Исроилова (онаси):

Аллоҳ “бераман” деса, ҳеч гап эмас экан. Гоҳида фарзандимиз биттагина холос деб ўкинардим. Мана ўзингдан кўпайгурлар тўрт нафарга ортди. Набираларим чуғур-чуғур қилишиб нафақат хонадонимизни, балки кўнғил уйимизни ҳам тўлдиришади...”⁶⁵

“Журналистнинг асосий вазифаси, таъсир этиш мезони ўқувчини ўз нуқтаи назарига ишонтиришдан иборат. Ишонтириш эса самимий жонли мулоқотни тақозо этади. Самимийлик йўқ жойда шубҳа учун ҳар доим жой топилади. Бинобарин, жонли, самимий шахслантирилган (муаллифлаштирилган) мулоқот усуллари билиш ва улардан фойдаланиш журналист маҳоротига бевосита дахлдор масала”⁶⁶

“...Сапурахон Умарова (қайнонаси):

Ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб, келинларга баҳо қўйишми, таъриф беришми ...масаласида келинимга “тилло келин” деб таъриф берган бўлардим. Шундай камсуқум, шундай камтарин, шундай ширин сўз...Юзидаги фариштаси истарасини иссиқ қилиб кўрсатади, дейман-да!...

Рустамжон Умаров (турмуш ўртоғи):

Келинингизни мақташга арзийдиган жиҳатлари кўп. Баъзи аёллар каби “топасиз-да, эр бўлганингиздан кейин...” деб қараб турмайди. Оилада, рўзгорда пайдо бўладиган муаммоларга ечимни биргаликда излайди... Феълидаги юмшоқликни жуда қадрлайман...”⁶⁷

⁶⁵ Шаъбона Нур. Андижоннинг Шоираси //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

⁶⁶ И.Тошалиев., Р.Абдусатторов. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2006. -214-б.

⁶⁷ Шаъбона Нур. Андижоннинг Шоираси //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

Бундан кўриниб турибдики, журналист ўз мулоқотдошлари (аудитория) билан яқин самимий муносабат (контакт) ярата олган. Сухбат якунида журналист ўзининг хулосасини берган:

“...Мухбир:

*Бу серфайз хонадон фаришталари бўлган Қорияхон ва Мукаррамхон эналарнинг юракдан қилган дуолари ижобатини тилаб саҳифамиз қаҳрамонлари билан хайрлашдик. Тилагимиз ҳамиша эзгу – юртимизда оилалар фақат бахтли, саодатли бўлишсин!”*⁶⁸

Журналда ана шундай ижтимоий фаол аёлларнинг фаолиятига оид мавзуларга бағишланган сухбатларни ёритишда ҳам сухбат – диалогдан кенг фойдаланилади. Бир ёки бир неча шахс билан олиб борилган фикр алмашиш натижасида кўпчилик билан олиб борилган сухбат ҳам ёзилиши мумкин. Сухбатнинг бу кўриниши ижтимоий – иқтисодий, маданий – маънавий ҳаётининг турли масалаларига бағишланган бўлиб, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, “Водий гавҳари” журнали саҳифаларида “Водийча шижоат”, “Водий аёли”, «Водийча ҳаёт фалсафаси», «Водийча тарбия» каби ва бошқа рукнлар остида бериб борилади.

Андижонда чоп этилаётган “Водий гавҳари” журнали хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ёритишга мўлжалланган нашрлардан бири десак, хато бўлмайди. Журнал саҳифаларида аёлларимизнинг истиқлол шароитида турли соҳаларда эришаётган ютуқлари тўғрисидаги мақола, очерк, эссе, сухбат ва бошқалар мунтазам равишда эълон қилинмоқда. Масалан, журналнинг 2012 йил ноябрь сониди тарбиячи Назира Мирзакаримова, “Бахт уйи” мудираси Барнохон Расулова, банк ходимаси Муяссар Эргашева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Лолахон Муротова ҳақида ҳикоя қилинади.⁶⁹

⁶⁸ Шаъбона Нур. Андижоннинг Шоираси //Водий гавҳари, 2012. 9-сон.

⁶⁹ Ушбу журналнинг 2012 йилги сонларида ҳам ижтимоий фаол аёллар ҳақида туркум мақолалар эълон қилинган.

Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунованинг ҳаёти ва ижодига бағишланган “Оҳ дедим, оввора бўлдим...” эссесид⁷⁰ бошқа бир руҳий ҳолат тасвирига дуч келамиз. Маълум бўладики, ҳаётдан эрта кўз юмган бу ноёб овоз соҳибасидан унинг мафтункор овози ёзилган магнит тасмалари, санъаткорни яқиндан билган, сахнада, давраларда бирга куйлаган, ҳаёти ва ижодининг баҳорию кузига гувоҳ бўлганларнинг маҳзун хотиралари қолган, холос. “Таниқли суҳандон Ҳалима Юсупова ўзича югуриб-елиб, жон куйдириб, тупроқ аралаш кум ичидан олтин зарраларини қидираётгандай, Ҳабибахоним ҳақида ғоят таъсирчан кўрсатув тайёрлади, ҳаёти ва ижодига бағишланган китобини чоп эттирди. Телебисотимизда шу кўрсатувдан бошқа ҳеч нарса қолмаган дейишади. Ўша йиллари ҳам қўшиқ ёздириш осон бўлмаган экан. Ҳабиба Охунова студияга кириб келса, у ердагилар: “Шу кўйлагингиздан бошқа кийимингиз ҳам борми”, дея истехзо қилишаркан...

Одатда, театрларимиз фойесига бу қутлуғ даргоҳда узоқ йиллар тер тўккан устоз санъаткорларнинг турли образлардаги ноёб суратлари осиб қўйилади. Афсуски, Наманган театрида Ҳабиба Охунованинг бирорта ҳам расми қолмаган экан.

“Ҳабиба юлдуздай чарақлаб, порлаб, ишқ ёғдусини таратиб яшади. Сахнада ўзини, ҳаётини, ғам-ғуссаларини унутиб, худдики, бу ёруғ оламда ундан-да бахтли, ундан-да омадли одам йўқдай, ороланиб, зеболаниб куйларди. Одатда, театр актёрлари роль ўйнаётганида образга киради, Ҳабиба қўшиқ куйлаётиб ҳам, рақсга тушаётиб ҳам ўзига хос образ ярата оларди. Бугунги қўшиқчиларнинг аксарияти бу маҳоратни ҳатто тасаввур ҳам қилишмайди. Мана, битта сингилчамиз, “Сен мени ташлаб кетдинг, ташлаб кетдинг бевафо, бахтимни қора қилдинг, ҳаётимни пора қилдинг, бевафо...”, деб куйлаяпти. Аммо ўзи сахнада диконглаб, хурсанд бўлиб, ноз-карашма қилиб юрибди. Бу нима дегани?”.

“Ҳабибанинг қўшиқларини тинглаётганлар ҳаёт машмашаларини бир неча дақиқага бўлсин унутишарди. Кун билан туннинг, бахту

⁷⁰ Жаннатмакон, 2011. 6 март.

бахтсизликнинг фарқи қолмасди. Энг омадсиз одам ҳам унинг ҳароратли, таъсирчан нолаларидан чексиз завқ оларди. Мухлислар ўринларидан туриб, уни сахнадан, даврандан узоқ вақт қўйиб юбормай олқишлашарди. Гулларга қўмиб ташлашарди. Бевақт сўнди-да, раҳматли, шаъмдек сўнди. Сўнаётганини қўриб турдик, парвози ҳам, инқирози ҳам кўз ўнгимизда кечди, аммо қўлимиздан ҳеч нима келмади. Ёзуғи шу экан-да, на чора...”.

“Ким нима деса десин, аммо мен Ҳабиба Охунова истеъдодига ҳамон таъзим қиламан. Сахнада гул эди, булбул эди, латофати оламга сиғмас офатижон эди. Биз уни Маъмуржон Узоқовнинг мустахзодини, Мукаррамахонимнинг “Тановор”ини, Фахриддин Умаровнинг “Онам дерман”ини, Отажон Худойшукуровнинг “Сувора”сини, Толибжон Бадиновнинг “Эҳтиёж”ини соғингандек соғинамиз...”⁷¹.

Санъаткор сахнага ёруғ ният билан чиқади. Дард-ташвишларини ичига ютади, уйида, сахна ортида қолдиради. Дили вайрон, кўнгли чок-чок бўлиб турса ҳам, чиройли кийинади, пардоз-андоз қилади, мафтункор табассуми билан дилингизга олов ёқади. Истеъдодли актёр Сойиб Хўжаев бир гал: “Ё тавба, эллик йилдан бери одамларни кулдираман, ҳаёт эса мени ақалли бир марта ҳам кулдирмади-я”, деган экан. Фарзанди, онаси ё бошқа бир яқини ҳаётдан кўз юмганини сахнада, спектакль бошланишига санокли дақиқалар қолганида эшитган, бу оғир мусибатни бировга билдирмай, эзилиб-инграб қўшиқ куйлаган, роль ижро этган санъаткорлар озмунча эмас. Лутфихоним Саримсоқова, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Махсум Юсупов, Камолиддин Раҳимов, Мавлуда Асалхўжаева... Бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин.

“Оҳ дедим, оввора бўлдим...” эссеси, бир жиҳатдан аёл санъаткорнинг улкан ютуқларига асос бўлган истеъдод қирраларини очиб берса, иккинчи жиҳатдан унинг маънавий фожеасини ҳам кўрсатиб беради. Муаллифнинг маҳорати шундаки, у шу икки жиҳатни ўзаро уйғун ҳолда тадқиқ этади.

⁷¹ Эсседа ёзилишича, муаллиф бу хотираларни Наманган вилоят театри артистларидан ёзиб олган.

Санъаткорликни роҳат-фароғат деб тушунадиганлар янглишадилар. Тўғри, роҳат-фароғати ҳам бор, аммо шон-шуҳрат санъаткорни гоҳида баланд чўққига кўтаради, оёғи ердан узилади, кейин эса шу чўққидан... тубсиз жарликка қулайди. Бунга аввало ўзи, атрофидагилар, мухлислари, маҳлиёлари сабабчи бўлади.

“Ҳабиба Охунова эллик бир ёшида, ижоди айна авжига чиққанида, “Алла”си пишиб-етилганида ҳаёт билан видолашди. Умри шомидаги азоблардан кутулди. Ҳабиб Саъдулла юрагини чангаллаб марсия ёзди. Бундай йўқотишлар чоғи: “Эҳ, эрта кетди-да, умри қисқа экан”, деб ўзимизни овутамиз, бир-биримизга тасалли берамиз. Лекин ҳеч қачон “Нега шундай бўлди, яшаса бўларди-ку, куйлайдиган қўшиқлари хали кўп эди-ку?”, деб сўрамаймиз. Бир гал шу саволлар билан машҳур ҳофизларимиздан бирига изтиробли тикилганимда, у истеъдодларнинг ногаҳонда сўнишларини, юлдуз янглиғ само қоронғулигини бир лаҳзага бўлса-да ёритиб, йўқлик сари учишларини шундай изоҳлаган эди: “Санъаткорни элимиз ардоқлайди, буни биласиз. Яхши кунларига таклиф қилишни ният қилишади. Борасиз, хизматда бўласиз. Қаерга борсангиз, жойингиз тўрда, иззат-икромингиз жойида. Нима десангиз — тўғри, ножўя бир қилиқ қилсангиз, оғзингиздан беибо сўзлар чиқиб кетса ҳам, биров бир нима демайди, чунки номдор санъаткорсиз. Бора-бора бундай илтифотлар одамни янглиштиради. Зўрлигингизга ишониб, эркаланиб кетасиз, одоб чегарасидан чиқаётганингизни билмай қоласиз. Болани эркалатиб тарбия қилсангиз, тантиқ бўлиб ўсади-ку, худди шундай бир ҳолат-да бу ҳам...”.

Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев шундай ҳикоя қилади: “1961 йили Андижон ва Наманган театрлари қўшилди. Мукаррама Азизова, Маърифат Убайдуллаева, Гулчеҳра Жўраева, Маҳмуджон Исомиддинов, Абдурашид Воҳидов, Ҳабибулла Абдуллаев, мен Андижонга бориб, театр жамоаси билан танишдик. “Зарафшон қизи” спектаклини томоша қилдик. Ёшгина қиз Кумушхон ролини қойилмақом қилиб ўйнади. “Ватан ишқи”, “Лайли ва Мажнун” спектаклларида ҳам унинг ижроси олқишларга сазовор

бўлди. Концертда “Занг” ракси билан ҳаммани ўзига қаратди. Ким, деб сўрасак, “Ҳабиба Охунова, ишга янги келган ёшлардан”, дейишди. Театрда баъзан шунақа юлдузлар пайдо бўлиб қолади: кўшиқдан кўшиққа, ролдан ролга, раксдан раксга ўсиб, порлашади. Томошабинлар уларни кўриш, маҳоратидан завқ олиш учун театрга такрор-такрор келишади. Қўнғирок қилиб, “Бугун фалончи ролни ким ўйнайди?”, деб сўрашади. Ҳабиба Охунова феноменининг ўзига хослиги шунда бўлдики, у бир вақтнинг ўзида ҳам кўшиқчи, ҳам драматик актриса ва мохир раққоса сифатида ўзининг ноёб истеъдодини намойиш эта олди”.

Актриса тақдир тақозоси билан бир муддат Нов театрида хизмат қилади. Аммо у ерда ижодий ўсишга эришмайди. Тўйларда театр учун пул ишлаш силласини қуритади. У ердан Наманганга қайтгач, қисқа фурсат ичида сахна юлдузига айланади. Театр бош дирижёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Каримжон Мансуров, шоир Ҳайитбой Азимов билан ҳамкорликда “Алла”, “Кўнгил”, “Сабо билан” кўшиқларини ўрганиб, томошабинларнинг меҳрини қозонади. Халқ артисти Мукаррама Азизовадан кейин “Алла”ни қуйлаш осон эмасди. Аммо Ҳабиба бу кўшиқнинг эмоционал таъсир кучини янада оширади. Унинг “Алла”сини эшитишнинг ўзи кўплар учун бахт эди. Шайдоларидан бири — ўша пайтдаги йирик хўжалик раҳбарининг унга кўпмаъноли қилиб: “Жон синглим, нима истасангиз муҳайё қилай, сиз қуйлайверинг, мен эшитаверай”, деган ишқиёна “илтижо”сини ҳамкасблари ҳануз эслаб юришади.

Андижоннинг Куйганёрида ҳассос шоира Саида Зуннунова таваллудининг 50 йиллиги нишонланганида Ҳабиба Охунова тингловчиларни сел қилиб қуйлайди. Нолалари кўкка ўрлайди, булутларга бориб етгудек, уларни ҳам тилка-пора қилгудек бўлади. Йиғилганлар Ҳабибани сахнадан туширмай, худди у қуйлашдан тўхтаса, ҳаёт, муҳаббат тўхтайдигандай, қайта-қайта сахнага чиқишини илтимос қилишади.

1975 йили Тошкентда Алишер Навоий номидаги муҳташам Санъат саройида пахтакорларнинг қурултойи чақирилади. Дала меҳнаташларига

бағишланган байрам концертида машхур “Ҳануз” кўшиғи ижро этилади: “Оҳ дедим, оввора бўлдим, ёра билмайдур хануз...”.

Кўшиқнинг биринчи авжини Маҳмуджон Исомиддинов, Ориф Алимахсумов, Эсон Лутфуллаев, иккинчи авжини Ёркиной Ҳотамова, Малоҳат Дадабоева ва Ҳабиба Охунова ижро этишади. Ҳабибанинг овози Санъат саройини ларзага келтиради. Орадан кўп ўтмай, унга “Ўзбекистон халқ артисти” унвони берилади.

Эсседан иқтибос: “Ушбу мақолани қоғозга тушириш учун атайлаб Наманганга бордим. Қайта таъмирланган вилоят театрида таниқли ижодкорлар билан узоқ суҳбатлашдик. Хотиралар гоҳ ёрқин, гоҳ маҳзун тус олади. Журналхон ҳукмига ҳаммасини тўла-тўқис ҳавола қилиш қийин. Андишали халқмиз, ахир. Тошкентга қайтаётганимда ҳайдовчи йигит мендаги ҳорғинликни сезибми, магнитофон мурватини буради. Машхур ҳофиз Очилхон Отахоновнинг Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон шеърига басталаган кўшиғи янграй бошлади:

Аҳли номард қилмишин ул мардоналарга куйладим,
Ёшлигимнинг хонишин шўх жононаларга куйладим,
Қисматимнинг нолишин лол-ҳайроналарга куйладим,
Дўстга дўстнинг ёнишин гоҳ парвоналарга куйладим...

Ҳабиба Охунова ҳаёти давомида мардларга ҳам, “аҳли номард”ларга кўп бор дуч келди, ёшлик хонишлари билан кўнгилларни безади, аммо қисматидан нолимади, дўстга дўстнинг ёниши ё ёнмаслигини ўз тақдирида синаб кўрди.

У латофатли, кўркам аёл эди. Қудрат котиби унга бекиёс ҳусн-тароват ҳадя қилганди. Ҳусни унинг мулки эди. Аммо унинг бу мулкидан закот сўровчилар кўп бўлди, кў-ў-ў-п бўлди. Ким чин ошиқ, ким шунчаки маҳлиё, ким эса ҳофиза қалбидан олов янглиғ отирилиб чиқаётган нолалар асири эканлигини билиб бўлмасди. Олқишлар тинимсиз янграб турганида бунини аниқлашга ҳожат бўлмайди. Санъаткорлар учун бу — одатий бир ҳол. Аммо инкор этиб бўлмайдиган бошқа бир ҳақиқат ҳам бор: маҳлиёлик бошқа,

мухлислик бошқа! Маҳлиёларнинг муҳаббат изҳорлари, парвоналиклари самимийликдан йироқ, кўпларида хирсу ҳавас майллари жўш уриб, ақл-хушларини йўқотиб, ўринли-ўринсиз марҳамат кўрсатишга, сирдошу дилдош, йўлдошу дарддош бўлишга тайёр турадилар. Кимнинг кимлигини эса вақт кўрсатади. Ачинарлиси — гоҳо вақт ҳам аниқлик киритишга кеч қолади. Бўлар иш бўлиб, бўёғи синганидан кейинги иқрору тазаррулардан эса ҳеч кимга наф тегмайди.

Ҳабиба Охунова ҳақида менга кўп нарсаларни сўзлаб беришди. Таникли режиссёр Карим Йўлдошев: “Унда кучли драматизм бор эди, сахнада эркин ҳаракат қиларди”, деди ва... кўзларига ёш олди. Яна кимдир санъаткорнинг “калтагина атлас кўйлаги”ни эслади, “Шу кўйлагини кўп киярди, ясан-тусан қилишни, дурустроқ бисот орттиришни, сандик тўлатишни ўйламасди ҳам, куни илтимосларга қолди охирида”, деб ҳайратимни чандон оширди. “Оқ сурп олиб кўйилмаган экан, бундай бўлади деб ким ҳам ўйлабди дейсиз, жаноза куни Ҳабиб Саъдулла уйига бориб, онаизорининг туғунидан олиб келди”, деди бошқа бир суҳбатдошим.

Эссени анча муфассал келтираётганимизнинг боиси, бу ҳолатда ҳам аёл ва унга нисбатан атрофдагиларнинг муносабати қаламга олинган. Аёл — латиф бир вужуд, у нечоғли юксак мартабага кўтарилмасин, самимий, пок муносабатга, холис қўллаб-қувватлашга муҳтож. Муҳими, муаллиф Ҳабиба Охунова ҳақида ёзар экан, ортиқча ҳис-ҳаяжонга, суҳбатдошларининг анча-мунча бўрттириб айтган “хотиралари” таъсирига берилмайди.

Бу борада матбуот нашрларимиздан “Фуқаролик жамияти” умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журналнинг ўзига хос ўрни бор. Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш қошида таъсис этилган.

Журнал уч ойда бир марта чоп этилади. Бош муҳаррир Ихтиёр Абдуллаев. Журналнинг ўз хослиги шундаки, унинг ҳар бир сониди маълум бир мавзудаги материаллар бериб борилади. Нашрнинг 2012 йил 4-сони

аёллар сиёсий мавқеини кўтариш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат бошқаруви ва фуқаролик жамияти институтларидаги иштирокини кенгайтириш каби масалаларга бағишланади.

“Фуқаролик жамияти” журнали дизайни ҳам ўзига хос услубда яратилган. Журналнинг биринчи саҳифасида мундарижа берилган. Кейинги бетда эса, ушбу сонда эълон қилинган энг долзарб, қизиқарли мақолалар анонси берилган. Анонсни беришда ўша мавзуга оид фотосуратлардан фойдаланилган.

“Фуқаролик жамияти” журналида “Расмий материаллар”, “Давлат ҳокимияти ва жамоатчилик назорати”, “Фуқаролик жамияти институтлари”, “Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари”, “Фуқаролик жамиятининг маънавий-маърифий асослари”, “Фуқаролик жамияти: кадриятлар, миллий-тарихий хусусиятлар”, “Фуқаролик жамияти практикуми”, “Китоб оламида” каби доимий рукнлар ўрин олган.

Журналнинг мазкур сониди Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати Камола Ҳамидованинг “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг бажарилишида аёллар жамоат ташкилотларининг ўрни” сарлавҳали мақола берилган. Муаллиф мақоланинг кириш қисмида “Баркамол авлод йили” Давлат Дастурида нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, жамоат фондлари ва б.ларга катта ўрин ажратилгани, Дастурда белгиланган асосий йўналишларнинг давлат ва жамият ижтимоий сиёсий ҳаётига жорий этилиши ҳамда амалга оширилишида фаол иштироки ҳақидаги фикрларни таъкидлаб ўтган.

“... Хотин-қизлар қўмитаси ва “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси “Соғлом она – соғлом бола” дастурининг мақсадли вазифаларини амалга оширишни давом эттиришида қатнашмоқда.

“Аёллар кенгаши” Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (ИТҚҚЖ) билан биргаликда оналарнинг репродуктив

саломатлиги ва улар соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам сифатини оширишда иштирок этмоқда...”⁷²

Муаллифнинг ўзи шу соҳанинг мутахассиси бўлгани боис мавзу етарлича очиб берилган. Факт ва рақамлар аниқ, тушунарли берилган.

*“Хотин-қизлар қўмитаси “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Чемпионлар форуми” жамғармалари, ИТҚҚЖ, “Маҳалла”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Соғлом авлод учун” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИХ), спорт турлари бўйича Федерациялар, Ногиронлар жамияти, “Ватанпарвар” жамияти. Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши болалар ва ёшлар орасида спорт мусобақаларини ташкиллаштиришини режалаштирган...”*⁷³ Журналда ҳар бир материалнинг якунида фойдаланилган манбалар рўйхати берилган.

Журналнинг яна бир ютуғи шундаки, унинг ҳар бир соннда уч тилдаги материаллар бериб борилади. Инглиз тилидаги материалларга ўзбек тилидаги таржимаси ҳам тезис сифатида берилади.

“Китоблар оламида” рукнида эса янги нашрдан чиққан ҳар бир сон мавзуга оид қўлланма, рисола ва асарлар ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Журнал дизайнига ҳам эътибор берадиган бўлсак, у рангли, сифатли (глянцевый), фотосуратларга бой нашрлардан ҳисобланади.

Журналнинг сўнгги муқовасида Ўзбекистонда эълон қилинган почта маркалари, мактаб плакатларидан намуналар берилган. Шунингдек, келгуси сонда эълон қилинадиган мақолалар анонси тақдим этилади.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги аниқ чора-тадбирлар, шубҳасиз, ўзининг ижобий самарасини беради.

⁷² Фуқаролик жамияти, 2010. 2-сон

⁷³ Фуқаролик жамияти, 2010. 2-сон

ХУЛОСА

Истиқлолимизнинг ҳар бир йил ҳаётимизнинг бетакрор саҳифаси сифатида истиқлолимиз тарихидан жой олади. Ҳар бир йил жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида ўзига хос маъно ва мазмунга эга из қолдиради.

Жамият ривожлангани сари, одамларнинг турмуш тарзи, орзу-хаваслари ўзгариб боради, Бинобарин, халқимизнинг янада фаровон ҳаётини таъминлаш, орзу-умидларининг тўла рўёбга чиқиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бундан буён ҳам давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлади. Шу маънода Президентимизнинг таклифига биноан, кириб келаётган янги 2013 йилга “Обод турмуш йили” деб ном берилишида жуда катта маъно бор. Инсон бу ёруғ оламда тўқ-фаровон яшашни, уйи тинч, болалари соғлом ўсишини, кўчат экса ниҳоллари мева тугишини, экин экса ҳосили мўл бўлишини, тинчлигига ҳеч ким раҳна солмаслигини ният қилади. Истиқлол халқимизнинг бундай ёруғ орзу-умидларига қанот бахш этди. Бугунги кунда, давлатимиз раҳбари айтгандай, ҳеч кимдан кам бўлмай, меҳнатларимиз самарасидан баҳраманд бўлиб, турмуш тарзимизни яхшилаб, фарзандларимизни тарбиялаб, бир-биримиз билан аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаётганимиз, эртанги кунимиз янада фаровон, юртимиз, маҳалламиз янада обод бўлишига ишончимизнинг комиллиги бизнинг энг катта ютуғимиз, бахтимиз десак, хато бўлмайди. Бу ютуқни мустаҳкамлаш, янги баркамол авлодни тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, эл-юрт бойлигига бойлик қўшиш — ҳаммамизнинг янги 2013 йилдаги масъулиятли, айни чоғда шарафли вазифамиздир.

Ушбу мавзунини ўрганар эканмиз, республикамиз пойтахтида, вилоятларда чоп этилаётган кўплаб газета ва журналларнинг мавзуга доир материаллари билан танишиб, таҳририятларнинг ходимлари билан суҳбатда бўлиб, маълум хулосаларга келдик.

Мустақиллик йиллари ўз фаолиятини тамомила қайта қурган ОАВларида, хусусан, газета ва журналларда ҳаётимизнинг асосий қирралари,

жумладан, хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги фаол иштироки мунтазам ёритиб келинмоқда. Уларни журналистика жанрлари нуқтаи назаридан таҳлил қилганда қуйидагилар кўзга ташланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг хотин-қизлар фаолиятига доир Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари муносабати билан ёзилган шарҳ-материаллар;

2) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти билан боғлиқ ахборотлар;

3) қўмита томонидан ўтказилаётган турли танловлар ва акцияларнинг якунига доир ҳисоботлар;

4) мамлакат хотин-қизларининг хорижий мамлакатлар хотин-қизлар ташкилотлари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги мақолалар;

5) мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, саломатликни мустаҳкамлашга доир расмий материаллар;

6) Ўзбекистон санъати ва маданияти Форуми жамғармаси томонидан ўтказилаётган тадбирларга бағишланган материаллар;

7) хотин-қизларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонликда, маданият ва санъатда, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари тўғрисидаги лавҳа, очерк ва эсселар;

8) 8-март Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам материаллари (шеърлар, кутловлар, очерк ва ҳикоялар);

9) хотин-қизлар ўртасида содир бўлаётган жиноятчиликка доир танқидий-таҳлилий материаллар; оила, турмуш, қайнона-келин муносабатлари мавзусидаги материаллар ва бошқалар.

Матбуотда хотин-қизлар мавзусининг ёритилиши, хусусан, уларнинг ижтимоий фаоллигига бағишланган мақолаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ижтимоий мавзудаги материалларнинг аксарияти расмий ахборотлар бўлиб, бу йўналишда жиддий таҳлилли мақолалар нисбатан кам учрайди. Материалларнинг жанрлар кесими бўйича таҳлилида энг кўп

мақолалар оилавий муносабатлар, ажралиш, оилани ташлаб кетган ота ёки она тўғрисидаги, иккинчи ўринда бирор касбда ишлаб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган тадбиркор аёллар, ўқитувчилар билан суҳбатлар эгаллайди.

Хусусий нашрларда асосан санъаткор аёлларнинг шахсий ҳаёти, туриш-турмуши, оилавий можаролари, улар ўртасидаги турли хуш-нохуш воқеаларнинг тафсилотлари ёритилади. Бунда кўпроқ миш-мишларга, атайлаб тўқилган ёлғон ахборотларга кўпроқ эътибор берилади ва шу боис, бу йўналишдаги мақолалар жиддий ижтимоий аҳамият касб этмайди. Ёш эстрада юлдузларининг фотосуратлари тижорат йўналишидаги нашрларнинг биринчи саҳифасини безайди, аммо миллий санъатимиз ривожига таъсир кўрсатмайди. Улар билан қилинган суҳбатлардаги нокамтарлик ўқувчининг ғашини келтиради.

Президентимиз бизни доимо огоҳликка чорлаб, ҳозирги глобаллашув даврида ўзликни англаш шартлигига алоҳида урғу беради. Қўйилган ушбу вазифанинг ижросини таъминлашда, даставвал, хотин-қизларимиз ўзларини Тўмарису Барчинойлар авлодидан эканлигини, қонида, юрагида Темур, Широку Мангубердилар қони жўш ураётганлигини тушуниб етиши муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ҳар бир аёл ўзининг маънавияти, ахлоқи миллат ҳаётини, турмуш тарзини кўрсатиб турувчи ойна эканлигини чуқур англаган ҳолда уларсиз оилани ҳам, жамиятни ҳам тасаввур этиб бўлмаслигини, Ватанимиз гуллаб-яшнаши, жамиятиз ҳар томонлама тараққий этиши, биринчи навбатда, аёлларга боғлиқ эканлигини ҳеч қачон ёддан чиқармасликлари шарт, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, сиёсий жиҳатдан фаол, маънавий етук, жамиятнинг таянчи бўлувчи хотин-қизлар сонини янада ошириш учун ОАВда қуйидаги масалаларга кўпроқ эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз:

-аёлларимизнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириш мақсадида сиёсий, ҳуқуқий билимини оширувчи материалларни кўпроқ бериб бориш;

-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришда аёлларнинг фидойилик, олийжаноблик, садоқатлилик, вафодорлик, яратувчилик фазилатларини тарғиб этиш;

-Республика хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг жойлардаги органлари, сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти» фаолиятини янада жонлантириб, уларнинг фаолиятини янада кенг оммага тарғиб этиш;

-хотин-қизларни ижтимоий муҳофазалаш, хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг репродуктив саламатлигини яхшилаш борасидаги ишлар борасида ОАВда самарали материаллар бериб бориш;

- хотин-қизлар йўналишига ихтисослашган босма нашрлар ва журналистлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ошириш, журналистлар билан соҳа экспертлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда мазкур йўналишга ихтисослашган 20 га яқин газета ва журналлар чоп этилади. Шу билан биргаликда, ҳар бир босма нашрларда хотин-қизлар, оналик ва болалик муҳофазаси, оила ва жамият муносабатлари кенг ёритиб келинмоқда.

Юртбошимиз «аёл деганда, кўз ўнгимизда, аввало, оқ сут бериб, барчамизни ўз бағрида асраб-авайлаб вояга етказадиган, бутун ҳаётини фарзандига бахшида этадиган дунёдаги энг муқаддас зот – Она сиймоси намоён бўлади»,— дейди. Шундай экан, ҳар биримиз аёл тимсолида онани кўришимиз, она эса, дунёдаги энг муқаддас зот эканигини унутмаслигимиз шарт.

Хулосамиз якунида шуни яна бир бор такрорлаш лозимки, ОАВлари, хусусан, газета ва журналлар мамлакатимиз хотин-қизларининг серқирра ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолиятларини ёритиш, уларнинг ютуқларини кўрсатиб бериш учун янада кўпроқ ишлашлари, эълон қилинаётган материалларнинг ижтимоий салмоғини анча оширишлари лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ЎЗР қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўқитувчи, 2005.
-84 б.
- 1.2. Ноширлик фаолияти тўғрисида. ЎЗР қонуни. Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. –Т.:Ўзбекистон, 1998.- 8—12 бб.
- 1.3. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 1.4. Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. № 5.-Т.6.- Т.:Адолат, 1993.- 18-37-бб.
- 1.5. «Обод турмуш йили» Давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 8-сон, 99-модда -Т., 2013.
- 1.6. Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. –Т., 1999. 17 март.
- 1.7. Маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг қарори. //Халқ сўзи. 1996. 28 сентябрь.
- 1.8. Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлари тўплами. -Т.:Ўзбекистон, 1998.
- 1.9. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.- Т.:Адолат,1995.- 69-70-бб.
- 1.10 Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги фармойиши. //Халқ сўзи, 2001. 5 январь.

2. ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

- 2.1. Каримов И. Инсон хотираси — боқий, кадр-қиммати — улуғ. 2012 йил 9 май — Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан ОАВ вакиллари билан суҳбат. //Халқ сўзи, 2012. 10 май.
- 2.2. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситлари ходимларига // Халқ сўзи. 2011. 28 июнь.
- 2.3. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т., 2011.
- 2.4. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-том.-Т.:Ўзбекистон НМИУ, 2011.
- 2.5. Каримов И. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриклар (2010-2012).
- 2.6. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.
- 2.7. Каримов И. Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор. -Т., 2009.
- 2.8. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
- 2.9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
- 2.10. Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т., 2002.

2.11. Каримов И.А. Ватан озодлиги олий саодат. //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8-Т.:Ўзбекистон, 2000.-59-67-бб.

2.12. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-5-6-бб.

2.13. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ , миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7.-Т.:Ўзбекистон, 1999.- 84-102-бб.

2.14. Каримов И.А.Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.-Т.:Ўзбекистон, 1998.-324-246-бб.

2.15. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. Т.:Ўзбекистон, 1998.

2.16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон, 1997.- 326 б.

2.17. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-жилд.- Т., 1997.

2.18. Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.- Т., 1996.

2.19. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.- Т., 1996.

2.20. Каримов И. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат.- Т., 1992.

3. Мавзу бўйича адабиётлар

3.1. Аёлга эҳтиром. Хужжатлар тўплами. -Т.:Ўзбекистон, 1999.

3.2. Баҳриев К. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари. -Т.: НМИУ, 2001.

3.3. Бадиий публицистик жанрлар. //Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма. III боб. -Т.: Ишонч-марказ-сервис, 2008.

3.4. Дўстмухамедов Х. Журналистнинг шаъни таъмадан устун. //Ўзбекистон матбуоти, 2003, 1-сон.

- 3.5. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Дарслик, 1-қисм. -Т.: НМИУ, 2009.
- 3.6. Журналистикада аудиторияга таъсир кўрсатиш усуллари.// Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма. IY боб. -Т., Ишонч-марказ-сервис, 2008.
- 3.7. Мелибоев А. Халқаро шарҳ. Ўқув қўлланма.- Т:ЎЗМУ, 2013.-30 б.
- 3.8. Мелибоев А. Маънавий кўприк. //Шарқ юлдузи, 2012. 4-сон.-3-4-бб.
- 3.9. Мелибоев А. Публицистикада давр руҳи ва ижтимоий талқин. - Т.:НМИУ, 2011.
- 3.10. Мелибоев А. Қирқ бешинчи бекат, Ўқув-қўлланма. – Т.:Тафаккур, 2008.
- 3.11. Нестеренко Ф., Ирназаров К., Маматова Ё., Тошалиев И. Репортёрлик фаолияти назарияси ва амалиёти. Т.:ЎЗМУ. 2002.
- 3.12. Саидов Ҳ. Матбуот — миллий манфаатлар ҳимоячиси. -Т., Маънавият, 2008.
- 3.13. Таҳририят ишини ташкил қилиш. 4-қисм, I боб. // Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма. -Т.: Ишонч-марказ-сервис, 2008.
- 3.14. Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. – Т.: Университет, 2006. -218-б.
- 3.15. Тошев Ф. Журналистнинг нони қаттиқ. -Т.:Фан, 2004.
- 3.16. Тошев Ф. Сўз айтмоқ — саодат. -Т.:Тафаккур бўстони, 2011.
- 3.17. Тоғаев О. Ўзбек бадиий публицистикаси. -Т., 1973.
- 3.18. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. -Т.:Тафаккур, 2010.
- 3.19. Эрик Фихтилиус. Журналистиканинг ўн қондаси. –Т.: Шарқ, 2002. -108- б.
- 3.20. Эркаев А. Ўзбекистон йўли. -Т.:Маънавият, 2011.

4. Матбуот нашрлари

Журналлар

- 4.1. Водий гавҳари, 2012.
- 4.2. Жаннатмакон, 2011.
- 4.3. Саодат, 2011-2012.
- 4.4. Фуқаролик жамияти, 2010ю
- 4.5. Ўзбекистон матбуоти, 2011-2012.

Газеталар

- 4.6. Адолат, 2011.
- 4.7. Гулчехралар, 2011-2012.
- 4.8. Оила ва жамият, 2012.
- 4.9. Суғдиёна, 2012.
- 4.10. Туркистон, 2012.
- 4.11. Хуррият, 2011-2012.

5. Интернет-манбалар

- 5.1. www.adolatgzt.uz. –Адолат газетасининг веб-сайти.
- 5.2. www.google.uz.
- 5.3. www.huquqburch.uz. –Ҳуқуқ ва бурч газетасининг веб-сайти.
- 5.4. www.journalistika.ru.
- 5.5. www.lex.uz.
- 5.6. www.soglom.uz. – Соғлом авлод газетасининг веб-сайти.
- 5.7. www.wcu.uz. – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг веб-сайти.
- 5.8. www.ziynet.uz.